БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 110

13 ИЮЛЬ СЕШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Областимизда (1-нчи бет).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ. **К. Буриев.** — Қишлоқ магазини — виставка кандидати (2-нчи бет).

Я. Исматов. — Уз бурчини унитган ходим (2-нчи бет).

Д. Драпкин, П. Лобанов. — Еш темирйўлчи кадрлар ўчоғи (2-нчи бет).

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ. **С. Мухаммаджонов.** — Аркадий Гайдарнинг «Танланган асарлари» ўзбек тилида (2-нчи бет).

Ҳосил тўплаш ойининг ҳарбир кунидан унумли фойдаланайлик. Р. Муҳаммадий. — Ҳосил тўплаш кунларида (3-нчи бет).

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИНИНГ КАНДИДАТЛАРИ. **Н. Эгамназаров.** — Дзержинский номли колхоз (3-нчи бет).

Мўғулистон Халқ республикасида халқ революцияси 33 йиллигининг байрам қилиниши (4-нчи бет).

«Европа бирлашмаси» тўғрисидаги шартномага қарши (4-нчи бет).

Хитой халқ республикасининг бирлашган миллатлар ташкилотидаги қонуний ҳуқуқлари тиклансин (4-нчи бет).

Тунг-Жиадаги ҳарбий кенгашда (4-нчи бет).

Янги ўқув йилини пухта тайёргарлик блан кутиб олайлик

Ҳозир мактабларимиз энг муҳим ва мас'улиятли даврни — янги ўқув йилига ўз вақтида ва намунали тайёрланиш даврини кечирмоқда. Ўтган ўқув йилини муваффақиятли якунлаган ва имтиҳонларда яхши кўрсаткичларга эришган совет мактабининг миллионларча ўқучилари шу кунларда пионер лагерьларида, санаторияларда ва соғломлаштириш майдончаларида қувноқ ва кўнгилли дам олмоқдалар, жонажон Ватанимиз бўйлаб саёҳат қилмоқдалар, янги ўқув йилига янги куч ва ғайрат тўпламоқдалар.

1953/54 ўқув йилининг якунлари ва имтиҳонларнинг натижалари областимиз мактабларида ўқув-тарбия ишлари анча яхши йўлга қўйилганлигини, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда яхши кўрсаткичларга эришилганлигини кўрсатди. Шунингдек ўтган ўқув йилида айрим мактабларда политехника та'лимини амалга ошириш юзасидан дастлабки бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Мактаблар-нинг ўқув-материал базасини мустаҳкамлаш, ўқитучиларни методик қўлланмалар ва ўқучиларни сифатли дарсликлар блан та'минлаш, педагогларнинг ғоявий-сиёсий савиясини, билим ва малакаларини ошириш соҳасида ҳам бирмунча ишлар қилинди.

Аммо бу муваффақиятлар блан бирга, мактабларнинг ишларида бир қатор жиддий камчиликлар ҳам борлиги ма'лум бўлди. Область мактаблари ишидаги жиддий камчиликлардан бири — умумий мажбурий та'лим тўғрисидаги Қонуннинг ҳар йили бажарилмай келаётганлигидир. Шунингдек бир қатор мактабларда та'лим-тарбия ишлари ҳануз ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтарилмаган. Ҳали ҳам бир синфда 2 йил қолиб ўқиш ҳоллари кўплаб содир бўлмоқда. Бу йил шу хатоларнинг такрорланишига сра йўл қўйиш мумкин эмас.

Партия, ҳукуматимиз совет мактабларининг муваффақиятли ишлаш учун ҳамма шароитларни яратиб бердилар. Ҳозир янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари олиб борилаётган бир вақтда энг муҳим вазифа — ҳамма жойда умумий мажбурий та'лим Қонунининг амалга оширилишини та'минлаш ва мактабларни янги ўқув йилига ўз вақтида ва намунали тайёрлашдан иборатдир. Бунинг учун фақат халқ маорифи органларигина эмас, балки маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳам катта иш олиб боришлари керак.

Бу йил областимизда 1954/55 ўқув йилига тайёргарлик ишлари йилдагига қараганда барвақт бошланди. Мактабларни янги ўқув йилига ўз вақтида ва намунали тайёрлаш ташаббусини биринчи бўлиб Бекобод шаҳар партия, совет ва жамоат ташкилотлари бошлаб бердилар. Областимизнинг ҳамма шаҳар ва районларида меҳнаткашлар ҳамда жамоат ташкилотлари бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар ва янги ўқув йилига тайёргарликни қизитиб юбордилар. Кўпгина колхозлар ўз кучлари ва маблағлари блан янги мактаб бинолари қуриш ва мавжуд мактаб биноларини ремонт қилиш ишига киришдилар.

Бекободлилар ўз социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашмоқдалар. Шаҳардаги корхоналарнинг коллективлари мактабларни янги ўқув йилига намунали тайёрлаш, ремонт ишларини мажбуриятда кўрсатилган муддатда тамомлаш учун оталик ёрдамини кучайтирмоқдалар. Фарҳод ГЭС коллективи Пушкин номидаги мактабнинг ремонтини тамомлади. Цемент ва пахта тозалаш заводлари оталиқдаги икки мактаб биносининг ремонтини тамомлаш олдида турипти. Бошқа бир қатор корхоналарнинг коллективлари ҳам мактаб биноларини ремонт қилиш ишини тез сур'атлар блан олиб бормоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизда ҳар йили юзларча янги мактаб бинолари қурилмоқда. Янги мактабларни ўз вақтида қуриб битказиш ва шунингдек мавжуд мактаб биноларини ремонт қилиш ишларини ўз вақтида тамомлаш янги ўқув йилига тайёргарлик соҳасида сра кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир.

Лекин областимизнинг ҳамма шаҳар ва районларида ҳам янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари бир хилда муваффақиятли олиб борилмоқда, деб бўлмайди. Тошкент шаҳрида мактаб биноларини қуриш ва ремонт қилиш ишлари қониқарсиз бормоқда. Капитал ремонт қилиниши лозим бўлган 44 мактаб биносидан ҳозиргача бирортасининг ҳам ремонти тамомланмаган. 100 мактабдан фақат 52 таси жорий ремонтдан чиқарилган, холос. Областьнинг Ўртачирчиқ, Сирдар'ё ва Бўка районларида ҳам мактаб биноларини ремонт қилиш йўл қўйиб бўлмаслик даражада кечиктирилмоқда.

Янги ўқув йилида дарс машғулотларини уюшқоқлик блан ва нормал бошлаб юборишда мактабларни янги ўқув йилига ўз вақтида тайёрлаш катта аҳамиятга эга. Янги мактаб бинолари қуришни белгиланган муддатларда тамомлаш, колхозларнинг ўз маблағлари ҳисобига янги мактаб бинолари қуриш ва мавжуд мактабларни ремонт қилиш юзасидан бошлаган ташаббусларини ҳартомонлама қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам бериш — бутун жамоатчиликнинг жонажон ишидир.

Янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда умумий мажбурий та'лим Қонунини тўла бажаришга, мактаб ёшидаги болаларни, айниқса ўзбек қизларини рўйхатга олишга ва ўқишга тортишга жиддий э'тибор берилиши керак. Аммо бу иш ҳаммавақт пухта ўтказилади деб бўлмайди. Қишлоқ советларида ҳам болаларни ўз вақтида ҳисобга олиш ишлари қониқарли аҳволда эмас. Қишлоқ советларидаги хўжалик дафтарлари бўйича болаларни рўйхатга олишда кўпинча қўпол хатолар га йўл қўйилади ва мавжуд болалар сони нотўғри ёзилади. Ўқиш ёшидаги болаларни ҳисобга олишда қаттиқ тартиб ўрнатилиши, болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг аҳамияти тўғрисида ота-оналар ўртасида тушунтириш ишлари кучайтириб юборилиши керак. Партия, совет ва жамоат ташкилотлари бу соҳада халқ маорифи органларига яқиндан ёрдам бериш мажбурдирлар.

Шунга эришмоқ керакки, ўқиш ёшидаги болаларни тўла ҳисобга олиш блан бирга, мактаб биноларн, инвентарьлари, ўқув кабинетларидаги тажриба асбоблари сифатли ремонтдан чиқарилсин, лабораториялар зарур жиҳозлар, ўқитучилар программа ва методик қўлланмалар, ўқучилар дарсликлар блан та'минлансин, қиш учун етарли миқдорда ёқилғи запаслари тайёрлаб қўйилсин, мактабларнинг ўқув-матерал базалари ва ўқитучилар состави мустаҳкамлансин, ўқитучиларнинг самарали ишлашлари учун ҳамма маданий-маиший шароит яратиб берилсин.

Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари СССР Министрлар Советининг қишлоқ мактаблари ўқитучиларига енгиллик ва имтиёзлар бериш ҳақида 1948 йил 10 февральда чиқарган қарорини қониқарсиз бажармоқдалар. Ҳамма ўқитучилар ҳам квартира, ёқилғи ва ёритиш воситалари блан та'минланган деб бўлмайди. Ўқитучилар учун керакли уй-жойлар қуриш бу йил ҳам жуда секинлик блан бормоқда.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва унинг жойлардаги органлари ҳамда маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари малакали ўқитучи кадрларни, айниқса айрим фанлар бўйича энг зарур бўлган ўқитучиларни тайёрлаш масалалари блан етарли даражада шуғулланишлари керак.

Ўзбекистон ССР Граждан уй-жой қурилиши министрлиги ва мактаб биноларн қуручи бошқа министрликлар қурилиш планларини белгиланган муддатларда юқори сифатли қилиб бажаришни та'минлашлари зарур.

Янги ўқув йилига тайёрланиш даврида мактабларнинг ўқув-тажриба кабинетларини асбоб-ускуналар, кўргазмали ўқув қуроллари блан та'минлаш мактабларда политехника та'лимини жорий қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам кўргазмали ўқув қуроллари ва тажриба асбоблари юборилганда, мактабларнинг талаб ва эҳтиёжлари тўлиқ ҳисобга олиниши керак.

Халқ маорифи тўғрисида, мактаб тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг энг муҳим вазифасидир. Янги ўқув йилига намунали тайёргарлик кўриш — мактабларнинг муваффақиятли ишлаши ва ўқув-тарбия ишларининг сифатини кўтаришнинг бирдан-бир шартидир.

Ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишини янада яхшилаш учун янги ўқув йилига ҳартомонлама пухта тайёрланайлик!

Пахтачиликни механизациялаш бўйича Бутуниттифоқ кенгаши

Тошкентда 12 июльда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан пахтачиликни механизациялаш бўйича чақирилган Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Кенгашда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва пахтакор республикалар Қишлоқ хўжалик министрликларнинг раҳбар ходимлари, бирқанча МТСларнинг директорлари, бош инженерлари ва бош агрономлари, пахта териш агрегатлари, тракторлар ва бошқа хил қишлоқ хўжалик машиналарининг конструкторлари, қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларининг ходимлари пахтачиликни механизациялаш масалалари блан шуғулланучи илмий-текшириш ташкилотларининг вакиллари, илғор колхозларнинг раислари, партия ва совет ташкилотларининг вакиллари қатнашмоқда. Кенгашнинг мақсади — пахтачиликни ва суғориладиган деҳқончиликда айрим районларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ирригация-мелиорация ишларини янада механизациялаш йўлларини белгилашдан иборатдир.

Кенгашни СССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Ўртоқ Кучумов очди. Кенгашнинг биринчи ялпи мажлисида Ўзбекистон, Озарбайжон ва Тожикистон ССР Қишлоқ хўжалик министрликларининг вакиллари Волков, Мамедов ва Шифрин ўртоқларнинг пахтачиликни механизациялаш ишларининг аҳволи ҳақидаги докладлари, СССР Автомобиль, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги коллегиясининг а'зоси Ўртоқ Моисеевнинг пахтачиликни комплекс равишда механизациялаш учун тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари яратиш ҳамда ишлабчиқариш соҳасида машинасозларнинг вазифалари тўғрисидаги доклади, пахтачилик бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросининг бошлиғи Дептнинг пахтачиликдаги ишларни комплекс механизациялаш учун машиналар системаси тўғрисидаги доклади ва қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш Ўзбекистон трестининг бошлиғи Ўртоқ Мичуриннинг ирригация-мелиорация ишларини механизациялаш тўғрисидаги доклади тингланди.

Кенгаш бирнеча кун давом этади. (ЎзТАГ).

Областимизда

Пландан ташқари 330 минг сўмлик маҳсулот

Чирчиқ шаҳридаги тикучилик фабрикасининг коллективи социалистик мусобақани тобора қизитиб, юқори сифатли кенг иste'мол моллари блан аҳолини мўл-кўл та'минлаш учун курашмоқда.

Коллектив фидокорона меҳнат қилиб, июнь ойида пландан ташқари 330 минг сўмлик маҳсулот ишлабчиқарди. Социалистик мусобақада олдинда бораётган ўртоқ Адамова бошлиқ 4-нчи цех коллективи ҳар куни пландан ташқари 220 жуфт ва ўртоқ Суваева бошлиқ 2-нчи цех ишчилари 18 жуфт ёзлик кийим-кечак ишлабчиқармоқдалар.

Фабрикада ўзаро мусобақалашаётган 300 га яқин ишчи, инженер-техник ходимлар ойлик ва кундалик нормаларини ошириб бажармоқдалар.

Илғор ишчилардан Лаля Серебрякова, Лена Багданова, Надя Нечаева каби ўнлаб кишилар топшириқни 250—300 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Р. АМИНОВ.

Паровозларнинг юриш тезлиги ошмоқда

Тошкент паровоз депосининг машинистлари Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни шарафига ўзаро социалистик мусобақани қизитиб, поездларнинг ремонтсиз кўп йўл юришини та'минламоқдалар.

Айниқса, депонинг старший машинисти ўртоқ Владимир Пишчурин ўз локомотивининг юриш тезлигини ошириб, а'ло натижаларга эга бўлди. У бошқаётган локомотив кўтарма ремонтсиз нормадаги 90 минг ўрнига 112 минг километр йўл босди. Бу паровоз бригада а'золари зиммаларига яна қўшимча равишда 30 минг километр йўл юриш мажбуриятини олдилар.

Шунингдек, машинистлардан Лисонваненко ва Умаров ўртоқлар ҳам катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Улар ўз локомотивлари блан нормадаги бир йил ўрнига ремонтсиз 2,5 йил ишладилар. Бу блан улар кўтарма ремонтга сарф қилиниши лозим бўлган 30 минг сўмлик давлат маблағини тежадилар.

С. НЕСТЕРОВИЧ.

Ёш рационализатор

Ахмаджон Қурбонов 1953 йили Харьковдаги автомобиль техникумини тугатгач, Оҳангарон автобазасига технорук қилиб тайинланди.

Автобазага келгач ёш мутахассис Қурбоновни ЗИС—5 автомобилининг руличи бошқариш иши қизиқтирди. Бунга сабаб шу бўлдики, автомобильни бошқаришда, айниқса ўнгга ёки сўлга буришда ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлган шариковий подшипник тез-тез ишдан чиқиб турар эди. Ҳатто машина йўлда кетаётганда ўша подшипник ишдан чиқиб қолиб, шофер рульни бошқараолмай қолиш ҳодисалари ҳам юз берарди.

Ахмаджон бирнеча маркали автомобильларнинг руль бошқариш қисмларини синчиклаб ўрганиб чиқди ва ниҳоят ЗИС—5 автомобилининг 30 минг километр йўл юргач ишдан чиқадиган шариковий подшипниги ўрнини ЗИС—150 автомобилининг 100 минг километр юргунча чидайдиган роликовий подшипниги блан алмаштирди. Роликовий подшипник шариковий подшипник сингари ишдан чиқ-қач тўхилиб кетмайди, балки уни осонлик блан бошқасига алмоштириш мумкин. Натижада ЗИС—5 автомобилининг руль бошқармаси анча яхшиланди, хавфли ҳодисалар юз берилишининг олди олинди.

Ҳозир Оҳангарон автобазасидаги 4 автомашинанинг рули А. Қурбонов таклифи асосида қайта ўрнатилди. Тез вақт ичида автобазадаги барча ЗИС—5 машиналар яхши натижа берган бу рационализаторлик таклифи асосида ускуналанди.

В. БРОНИСЛАВСКИЙ.

Суратда: Олмалиқ шаҳридаги В. И. Ленин номли ўрта мактаб биноси.
В. Лейн фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ЙИРИК САНОАТ ШАҲАРЛАРИ

ОЛМАЛИҚ

Бундан бирнеча йил илгари озгинагина аҳолига эга бўлган Олмалиқ қишлоқчаси икки кўчадан иборат бўлиб, бу кўчаларнинг икки томонидан бир қаватли пасткам иморатлар кўзга ташланарди. Қишлоқ, кираверишдаги бир тун қаровчи тагига жойлашган чойхона, ғарб томондаги кенг камишзор, шарқ тамондан эса кўмкук қорли тог чўққилари блан ўралган эди.

Сўнгги йилларда Олмалиқ қишлоғининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Эски Олмалиқ қишлоғининг ёнидан бошланиб кетган тўғри кўчаларнинг икки томонида кўп қаватли ҳашаматли бинолар, боғлар бунёд этилди. Ҳозир Олмалиқ шаҳарчасида учта клуб, учта катта универмаг, ўнлаб озиқ-овқат магазинлари, бутун имконият га эга бўлган клиника ва касалхоналар, аптека ва кинотеатрлар, болалар боқчаси ҳамда бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатадиган корхона ва муассаса бинолари қад кўтарди. Кечқурунлари шаҳарда чақнаб турган минглаб электр чироқлари шаҳарнинг ҳуснига-ҳуси қўшади. Олмалиқ шаҳарчаси атрофида қатнов жуда кўп. Минглаб автомашиналар, самосваллар ва прицеп уланган машиналар қурилиш материаллари, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа аҳоли талаб қиладиган буюмлар ташиётирлар. Тошкент-Олмалиқ орасидаги тракт бўйлаб қатнаётган машиналарнинг гувуллаган овози тонг саҳаргача тўхтамайди.

Ҳозир бу шаҳарга бепоён Ватанимизнинг турли жойларидан хархил касбга эга бўлган мутахассислар ишга келаётирлар.

Шаҳар қурилишларида етишаётган ишлабчиқариш илғорлари ва новаторларнинг номлари шаҳар Ҳурмат тахтасидан шарафли ўрин олмоқда.

Шаҳардаги қурилишлардан бирида ҳалол меҳнат қилаётган экскаватор машинисти Михаил Меньшиков қурилишдаги кўп ёшларга хунар ўргатди. У, ишлабчиқаришда кўплаб янгиликлар яратаётганлиги учун беш йилдан буён шаҳар Ҳурмат тахтасидан ўрин эгаллайди. У, Тошкент область Советининг депутатидир. 4-нчи қурилиш участкасининг монтажчиси, ленинградли Василий Колосов ҳам экскаваторчи Меньшиковдан қолишмайди. Ишчилар меҳнатсевар ва ўз ҳунарини севган Колосовни ҳурмат қиладилар. Унинг бригадаси тоғ устида иш олиб бориб, мураккаб тоғ шароитларида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Улар тўплаган конструкцияли темир прифлётлари борган сари тоғ чўққиларига кўтарилмоқда.

Лида Дудина бригадирлик қилаётган хотин-қиз штукатурчилар бригадаси ҳам ишлабчиқаришда муваффақиятга эришаётир. Дудинанинг бригадаси штукатурчи кадрлар етиштириб бериш мактабига айланган. Бу бригадага ишга кирган хотин-қизлар икки-уч ой давомида мастерлик даражасига кўтарилмоқдалар. Ўртоқ Дудинанинг бригадасида етишиб чиққан 100 дан ортиқ штукатурчи мастерлар шаҳар қурилишларида намунали иш олиб бормоқдалар.

Ўртоқ Киселев бригадирлик қилаётган дурадгорлар икки йил давомида 20 дан ортиқ икки қаватли бино қурдилар. Шу кунларда бу бригада стандарт ёғоч уйларини тез қуриш услубида ишлаб, ҳарбир уй-жойни муддатидан беш-олти кун илгари сифатли қилиб битказаётирлар.

Шаҳар қурилишларида маҳаллий ёшлардан ҳам ишлабчиқариш илғорлари ва новаторлари етишиб чиқмоқдалар. Уларнинг номини бутун қурилишда ҳурмат блан тилга оладилар. Бундан 3 йил илгари Андижондаги ҳунар мактабини тамомлаган Йўлдош Қаҳҳоров ҳозир комсомоллар бригадасига бошчилик қилмоқда. Бу бригада граждан уй-жой қурилишида энг илғор бригада, ҳисобланади. Ўртоқ Қаҳҳоровнинг рационализаторлик таклифи блан 15 минг сўмлик алебастер тежалди. Қурилишда ишлаётган экскаваторчи Михаил Ганиев, штукатурчи Вера Саидмуродова, металл ишлаш мастери Файзи Қурбонов, Мамед Раҳимов ва бошқа ёшлар ҳам ишлабчиқариш илғорлари ҳисобланадилар.

Шаҳар аҳолисининг доимий ёрдами туфайли Олмалиқ кундан-кун гўзаллашиб, қўкламзор боғга айланмоқда. Шаҳар меҳнаткашлари уч йил мобайнида кўчаларга 160 мингдан ортиқ дарахт кўчати ўтказдилар.

Республикадаги гўзал социалистик шаҳарлар қатори Олмалиқ ҳам кун сайин обод бўлмоқда ва кўркамлашмоқда.

Н. ГОЛОВИН.

Комсомол тарихидаги шонли воқиа

Бундан ўттиз йил муқаддам — 1924 йил 12 июльда Комсомолнинг VI с'езди Россия Коммунистик ёшлар союзининг номини ўзгартириб, унга Россия Ленинчи Коммунистик ёшлар союзи деган ном бериш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Совет ёшларининг илғор отряди бўлган комсомоллар армияси шу вақт ичида мустаҳкамланди ва ўсди. 1924 йилда комсомол сафидаги йигит ва қизларнинг сони 700.000 киши бўлган бўлса, ВЛКСМ нинг шу йил март ойида бўлиб ўтган XII с'ездига келиб Ленинчи комсомол сафларида 18.825.327 киши бор эди.

В. И. Ленининг РКСМ III с'ездида «Ёшлар союзининг вазифалари тўғрисида» сўзлаган тарихий нутқи комсомолнинг бутун фаолиятида жанговар программа бўлди.

Совет давлати тараққиётининг ҳамма даврларида Комсомол Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида ёшларнинг куч-қувватини, ғайратини ва ташаббусини Ленин чизиб берган программани амалга оширишга қаратди. Комсомолга берилган юксак мукофотлар — иккита Ленин ордени, Қизил Байроқ ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени миллион-миллион комсомолларнинг шонли жанговар йўлини, Комсомолнинг Ватан олдида кўрсатган хизматлари умумхалқ томонидан э'тироф этилганлигини кўрсатади.

Улуғ Ленининг васиятларига, жонажон Коммунистик партия ишига содиқ бўлган Комсомол ҳамиша социалистик қурилишнинг энг ийин участкаларида, ҳал қилучи участкаларида бўлиб келди. Комсомоллар ва ёшлар индустрия гигантлари — металлургия комбинатлари, трактор ва автомобиль заводлари, гидроэлектростанциялар қурилишларига бордилар, шаҳарлар барпо этдилар. Улуғ Ватан уруши йилларида совет қўшинлари ўз Ватанининг шон-шуҳрати, озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона жанг қилдилар.

Ҳозирги вақтда комсомоллар ва ёшлар саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Совет ёшлари партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш тўғрисидаги қарорини қизитиб қўллаб-қувватладилар. Партиянинг чақириғи блан қисқа муддат ичида 150.000 дан кўпроқ ёш ватанпарварлар кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун Қозоғистон, Сибирь, Урал, Поволжье районларига жўнаб кетдилар.

Марксизм-ленинизм идеяларига содиқ бўлган Комсомол Коммунистик партиянинг ишончли резерви ва ёрдамчисидир. (ТАСС).

МЎҒУЛИСТОН ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАСИДА ҚАБУЛ

11 июльда Мўғулистон Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Д. Адилбиш Мўғулистон Халқ Революциясининг 33 йиллиги муносабати блан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида қатнашган меҳмонлар орасида СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари ва СССР Савдо министри А. И. Микоян, СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари ва СССР Министрлар Совети Давлат план комитетининг Раиси М. З. Сабуров, СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари И. Ф. Тевосян, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. П. Тарасов, СССР Министрларидан С. М. Тихомиров, П. Я. Антропов, В. Г. Жаворонков, СССР Давлат банки Раиси В. Ф. Попов, СССР Министрларининг Ўринбосарларидан А. Я. Вишинский, В. А. Зорин, С. А. Борисов, М. Р. Кузьмин, Я. В. Юшин, А. И. Шаҳурин, И. К. Сиволап, К. Я. Сергейчук, В. С. Федоров, А. Н. Ефимов, В. С. Ермаков, «Правда» газетасининг бош редактори Д. Т. Шепилов, Москва Совети раисининг Ўринбосари Н. И. Бобровников, СССР Ташқи ишлар министрлиги, Ташқи савдо министрлигининг, СССР Мудофаа министрлигининг мас'ул ходимлари, жамоатчилик вакиллари, фан, сан'ат арбоблари, матбуот ходимлари ҳам бор эди.

Қабул маросимида Мўғулистон Халқ Республикаси Бош Министрининг Биринчи Ўринбосари Б. Ширендиб, шунингдек Москвадаги Элчихоналар ва миссияларнинг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари А. И. Микоян ва Мўғулистон Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Д. Адилбиш нутқ сўзладилар.

Қабул маросими самимий дўстлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИДА



Қозоғистон ССР павильони.



Озарбайжон ССР павильони.
Н. Грановский фотолари (ТАСС фотохроникаси).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Қишлоқ магазини — виставка кандидати

Сирдар'ё район марказидаги магазин-склад колхоз ва совхозлар учун қурилиш материаллари етказиб бериш соҳасида намунали ишлаб, колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида яхши обрў қозонган.

Бундан беш йил илгари ҳозир магазин-склад биноси турган жой ботқоқликдан иборат эди. Ботқоқлик ўрнида баланд деворлар блан ўраб олинган магазин-склад, магазин-складнинг идораси, складлари, гараж ва устахона қурилган. Магазин-складнинг тахта склади темир йўл станциясида бўлиб, 1 гектарга яқин жойни ишғол қилади. Бундан ташқари Велико-Алексеевская станциясида Мирзачўл колхозчиларини та'минлаш учун алоҳида тахта склади қурилган.

Кейинги 3 йил мобайнида магазин-склад социалистик мусобақада ғолиб чиқмоқда. Товар оборoти йилдан-йилга оширилмоқда, товарларнинг тўхтаб қолиши камаймоқда, катта фойда келтирилмоқда. Масалан, 1952 йилда товар оборoти план бўйича 9750 минг сўм белгиланган ҳолда, план ортиғи блан бажарилди, я'ни товар оборoти 10.250 минг сўмни ташкил қилди. Шу йили 968 минг сўмлик фойда олинди, товарларнинг тўхтаб қолиши пландагига нисбатан ярим процент камайтирилди.

Ўтган йили бундан ҳам каттароқ муваффақиятларга эришилган эди. Товар оборoти плани 1 миллион 95 минг сўм ошириб бажарилди, 909,5 минг сўмлик фойда олинди.

Коллективнинг эришаётган ғалабалари тасодифий ҳол эмас. Коллектив бу муваффақиятларга харидорлар блан катта ишлар олиб бериш натижасидагина эришди.

Магазин-склад ходимлари кўп товар олиб келиб қўйиб, қачон харидор келар экан, деб пойлаб ўтирмайдилар. Улар харидорларга уларнинг эҳтиёжларини сўраб хат ёзиш блан ҳам чекланмайдилар.

Январь ойида колхозлар ўз хўжалик йилларини якунлаб, бу йил учун план тузаётган вақтларида магазин-складнинг бўлим мудирлари Файзий, Липский, Гоман, Капица ўртоқлар колхозларга бордилар ва колхозлар учун шу йили қанча қурилиш материаллари кераклигини ва бу материалларни қайси муддатларда етказиб бериш кераклигини аниқлаб қайтдилар.

Бу йилги экиш кампанияси вақтида магазин-склад ходимлари колхозларга бензин, керосин ва мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб берди. Дала ишлари қизғин бораётган ҳозирги вақтда магазин автомашиналари колхозларга сув қайнатиш учун керак бўлган баклар, қозонлар, кастрюллар, чойнак-пиёлалар ва столлар етказиб бермоқда.

Бир куни колхоз раисларидан бири:

— Биғга жуда кўп миқдорда тахта, ёғоч, фанер ва цемент керак. Аммо биздаги машиналар бу материалларни ташиб олиш учун етишмайди, — деди.

— Ўз кучимиз блан ёрдам берамиз, — деб ва'да бердилар магазин ходимлари.

Магазин ходимларининг ўз ва'далари устидан чиқиши учун Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигининг гаражи блан шартнома тузишга тўғри келди. Лекин харажатлар бекорга кетмади. Ўтган йилнинг ўзида магазин узоқ районлардаги колхозларга 4 вагон ойна сотди.

Склад-магазин фақат қурилиш материаллари блан бирга бошқа хил товарлар блан ҳам савдо қилишни яхши йўлга қўйган.

— Аҳолининг талаби кундан-кунга ортиб бормоқда, — дейди Макар Григорьевич Капица. — Кўриб турибсизки, магазинимизда жуда кўп мол бор: икки хил шифоньер, ёзув столлари, бирнеча хил кровать, гилам, стуллар... Харидорларимиз ҳозир радиоприёмник учун столча, китоблар учун этажеркалар, буфетлар талаб қилмоқдалар. Бу нарсаларни олиб келишга улгурмаётирмиз. Мол келиши блан харидорлар сотиб олмоқдалар.

Макар Григорьевич бу сўзларни айтар экан, ўз ҳамқишлоқларининг талаблари ортиб бораётганлиги блан унинг фахрланаётганлиги сезилиб турар эди.

Бўлимнинг полкаларида 400 хил мол бор. Бу эса минимум ассортиментдан кўпдир. Бўлим мудири Надежда Сергеевна Ли бундай дейди:

— Намунали савдо қилиш учун минимумнинг ўзи кифоя қимайди. Харидорлар эса магазинда нинадан тортиб сепараторларгача бўлишини истайдилар. Биз аҳолининг тинмай ўсиб бораётган талабини қондириш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қилмоқдамиз.

Магазин коллективи ўз ишига меҳр қўйган. Магазиннинг ҳар кварталда магазиналарнинг Бутуниттифоқ мусобақасида олдинги ўринларни эгаллаётганлиги бежиз эмас. Магазин катта муваффақиятларга эришгани учун Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидат қилиб кўрсатилди.

Бундан илҳомланган магазин ходимлари йиллик товароборот планини 7 ноябрьгача бажариш, йил охиригача қурилиш ва хўжалик молларидан пландан ташқари 1 миллион сўмлик сотиш ҳамда 1 миллион сўмлик фойда бериш мажбуриятини олдилар.

К. БУРЧЕВ.

Ўз бурчини унитган ходим

Барча қишлоқ советларидагидек Бўка район Қоракўйли қишлоқ советининг ҳам бухгалтери бор. Қишлоқ совети бухгалтерининг бурчи — биринчи галда аҳолига яхши хизмат қилишдан иборатдир. Аммо Қоракўйли қишлоқ советининг бухгалтери Эргашевнинг фаолиятида бундай фазилатни кўриш анча қийин.

Бухгалтер Эргашев пахта далаларида иш қизиб бораётган айни шу пайтда ўзининг бутун э'тиборини колхозларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун ёрдам беришга, колхозчиларга соф виждон блан хизмат қилишга қаратиши керак эди. Бундай хусусиятни ҳам унинг фаолиятида учрataолмайсиз. Эргашев колхозчилар, меҳнаткашлар блан қўпол муомалада бўлади, совет қонунчилигига сиғмайдиган ҳаракатлар қилади. Унинг бундай ишлари Юсупов номли ва «Ленинобод» колхозининг меҳнаткашларига, айниқса давлат нафақаси оладиган кўп болали оналарга ма'лумдир.

Қишлоқ советидаги колхозлардан 20—25 километр йўл босиб, ўз ишини ҳал этиб кетишга келган хизматчилар, давлат нафақаси олгани келган кўпболали оналар ҳамавақт бухгалтер Эргашевни топавермайдилар. Улар ишни ҳал этучи Эргашевни кундалб кутиб ва ахтараверіб диққатлари ошиб кетади.

Иш блан келган кишилар қишлоқ совети ходимларидан Эргашевни сўрасалар, улардан: «Эргашев йўқ, у колхозларга чиқиб кетган» деб, доим бирхил тусдаги жавобни оладилар. Борди-ю, Эргашевни қидириб колхозлардан топганларида, у «ведомостьни олиб келганим йўқ, эртага қишлоқ советига боринг, ўша ерда ҳамма ишингизни ҳал қиламиз» деб жавоб беради. Эртасига Эргашевни яна қишлоқ Советида топаолмайсиз. Қишлоқ совети ходимлари: «Ҳали Эргашев колхозлардан қайтиб келгани йўқ, келиб қолса ажаб эмас» деб сизни юпатмоқчи бўладилар.

Эргашев ўз мансабини суи истемол қилиб, ножўя ишлар блан шуғулланади. У, кўпболали оналарга бериладиган нафақа пулларни ўз киссасига солиб олиб, 15—20 кунлаб кассага топширмай, ўз манфаати йўлида ишлатиб олади, сўнгра кассага топширади. Эргашевнинг айби блан кўпболали оналар ўз вақтида пулларини олаолмайдилар. Эргашев бўлса уларга: «Сиз кўпдан бери пул олишга келмадингиз, шу сабабли ҳам у куйиб кетди», деб жавоб қилади, уларнинг пулини беришдан бош тортади.

Кўпболали оналардан Х. Акрамова 5 ойлик, Х. Шарипова 2 ойлик, Ҳамроева ва Зарипова каби оналар эса 2—3 ойлаб нафақа пулларини «куйиб» кетган сабаби блан олаолмай юрадилар.

Эргашевнинг қилмишидан бетоқат бўлган оналар шикоят блан Бўка район молия бўлимининг мудири ўртоқ Кимга мурожаат қилдилар. Улар бизнинг шикоятимизни районда дарҳол эшитиб, қат'ий чора кўрадилар, деб ўйлаган эдилар. Афсуски, ўртоқ Ким бундай қилмади. У, оналарга «бунга биз айбдор эмасмиз, ўзинглар вақтида келиб олмагансиз лар, энди текширишга вақтимиз йўқ» деб қўл силташга одатланиб қолган. Ўртоқ Ким оналарни ўз кабинетига таклиф қилиб, улар шикоятини эшитиб, тегишли чора кўришни истамайди. Аксинча, у «бизнинг текширишга вақтимиз йўқ...» деб Эргашевнинг қонунга тўғри келмайдиган «куйиб» кетди деган сўзини тасдиқлаш блан чегараланади, холос.

Эргашевнинг қилаётган «ишини» юқорида айтилганлар блан чеклаб қўйсак, у хафа бўлиши мумкин. Унинг қилаётган «иши» бундан ҳам кенгроқ ва унинг ўзи учун мақбул бўлса керак. Меҳнаткашлар ўз ҳалол меҳнатлари блан топган пулларини Эргашев ўз манфаати учун ишлатиб келмоқда. Масалан, 9-нчи еттийиллик мактабнинг ходимлари Субҳонов, Муртазаев, Қурбонбеков ўртоқлар қишлоқ советига, Бўкага Эргашевнинг орқасидан ўн марталаб қатнайверіб, январь, февраль ойлари маошларини май ойида олдилар.

Бўка район ижроия комитети қишлоқ советларига яқиндан туриб раҳбарлик қилмаётгани, улар ишларидаги юз бериб турган нуқсонларни ўз вақтида очиб ташлаб, уни тузатиш устида контроллик қилмаётгани туфайли Эргашевдек бюрократлар қалбаки ишлар блан шуғулланмоқда. Район ижроия комитети қишлоқ советларига раҳбарликни кучайтириши ва Эргашевдек бюрократларга нисбатан қаттиқ чора кўриши керак.

Я. ИСМАТОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Буниси ундан ҳам қизиқ“

Газетанинг шу йил 15 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида материал босилиб, унда Тошкент шаҳар Ленин район промкомбинатида янги ўзлаштирилган уч ғилдиракли болалар велосипедининг сифатсиз чиқарилаётгани танқид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрининг ўринбосари ўртоқ Мирхоновнинг хабар қилишича газетада чиққан материалдаги фактларни текшириш учун инженер-техник ходимлардан иборат комиссия тузилган. Комиссия газетада кўрсатилган фактни тўғри деб топган. Министрлик янги технология асосида болалар велосипеди ишлабчиқаришни лойиҳалаштирган, илғор заводларнинг энг яхши иш методи асосида янги цех қуриш мўлжалланган, велосипед қисмларини тайёрлаш ва махсулот сифатини текшириш юзасидан қаттиқ назорат ўрнатилган.

А. П. ЧЕХОВ ВАФОТИНИНГ 50 ИЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

А. П. Чехов юбилейига тайёргарлик ҳақида методик қўлланма

Улуғ рус реалист ёзучиси А. П. Чехов ҳаётида театр катта ўрин эгаллайди. Ў ўзининг бутун ижодий фаолияти давомида катта ҳажмдаги пьесалар блан бирга жуда кўп кичик ҳажмдаги пьесалар ҳам яратди. Ҳозир бу пьесалар Совет Иттифоқидаги қардош республикаларнинг барча театр саҳналарида шу блан бирга халқ демократияси мамлакатларининг ва бошқа мамлакатларнинг театр саҳналарида ҳам ўйналмоқда. Унинг «Айиқ», «Таклиф», «Юбилей», «Тўй» сингари бир пардали пьесалари тамошабинларда чуқур таассурот қолдирмоқда.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ҳузуридаги Республика халқ ижодий уйининг театр бўлими область ва район маданият уйларида юбилей куни шарафига олиб борилаётган ишларни яхши уюштириш мақсадида «Методик хат ва режиссёрлик уқтиришлари» номли қўлланма тайёрлади ва уни жойларга юборди.

Қўлланмада дастлаб кириш қисми берилган. Унда А. П. Чеховнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти қисқача баён қилинган, шунингдек, пролетар ёзучиси М. Горький, отоқли режиссёр В. П. Немирович — Данченко, совет ёзучиси Федор Гладков ва бошқалар томонидан улуғ ёзучи ва драматургга берилган баҳолар келтирилган. Сўнгра область ва район маданият уйларининг методик ишлари юзасидан кўрсатмалар қайд этилган. Қўлланманинг А. П. Чеховга бағишланган кондай талаффуз қилиниши лозимлиги ҳақида режиссёрлик уқтиришлари берилган. Шунингдек бадиий сўз масаласига ҳам алоҳида саҳифалар бағишланган. Қўлланмада А. П. Чехов ҳикояларидан бадиий ўқиш учун намуна берилганки, бу айниқса диққатга сазовордир.

Қўлланманинг охирида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари учун А. П. Чехов яратган бир пардали ва кўп пардали пьесаларнинг, ҳикояларнинг тавсия рўйхатлари илова қилинган. Бу мазкур қўлланманинг бадиий ҳаваскорлик тўгараклариға ёрдам кўрсатишдаги ижобий ролини янада оширган.

Ш. ТОҲИРОВ.

Чехов хотирасига бағишланган виставка

Тошкентдаги Крупская номли биринчи шаҳар кутубхонасида (мудири ўртоқ И. З. Рязанская) буюк рус ёзучиси Антон Павлович Чехов хатирасини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Кутубхонада «Антон Павлович Чехов — рус халқининг улуғ ёзучиси» деган темада китоблар виставкаси ташкил қилинди. Виставкада Чеховнинг ҳаёти ва ижодига оид фотомонтаж ва бошқа материаллар қўйилган. Шунингдек, унинг оригинал ва ўзбек тилига таржима қилинган асарлари қўйилган.

Китоблар витринасида ёзучининг 20 дан ортиқ турли темаларда ёзилган бадиий асарлари бор. Витринага улуғ ёзучининг «Ваня амаки», «Каштанка», «Чайка», «Олчазор», «Юмористик ҳикоялар» деган китоблари қўйилган.

Яқинда кутубхона а'золарининг ташаббуси блан «Китобхонлар овози» деворий газетасининг янги сони Чеховнинг юбилейига бағишланиб чиқарилди. Газетада китобхонларнинг Чехов асарларини севиб ўқиётганликлари ва улардан олган таассуротлари ҳақида хабарлар ёзилган.

Кутубхонада Чехов хотирасига бағишланган кеча ўтказилади. Кутубхона а'золари бу кечага пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Т. ЯЙЛОВОВ,
А. АЛИЕВ.

Ёш темирйўлчи кадрлар ўчоғи

Геннадий Фролов ўқув юртининг қабул комиссияси ишлаётган хона эшиги олдига келди-да, уялдими, ҳарҳолда ичкарига киришга жур'ат этолмади. Унинг кўзи эшик тепасига катта ҳарфлар блан «Хуш келибсиз» деб ёзиб қўйилган сўзларга тушди. Шу пайт ичкаридан:

— Марҳамат, кираверінг, — деган товуш эшитилди. Геннадий ичкарига кирди.

— Мен кўпдан бери паровоз машинистининг ёрдамчиси бўлишни орзу қилиб юрардим. Энди шу касбни эгаллашга қарор қилдим. Мени ўқишга қабул қилишингизни сўрайман, — деди қабул комиссиясининг раисига у.

— Жуда яхши, хужжатингизни топширинг, — деди раис очиқ чехра блан.

Геннадий Фролов блан бирга қўйинчирчиқли Эргаш Тўхтабоев, Жанубий Қозоғистонли Ҳаким Махмудов, янгийўлли Юнус Шоназаров ва бошқа бирнеча ёшлар ҳам темирйўлчилар ўқув юртига қабул қилинишларини сўраб ариза бердилар.

Шу кунларда темирйўлчилар 1-нчи ўқув юртида ўқучилар қабул қилиш қизғин давом этмоқда. Темирйўлчилар мактаби республикамиздаги кекса ўқув юртларидан биридир. Бу ўқув юрти ташкил бўлганидан бери ўтган 13 йил ичида мамлакатимиз темир йўли учун мутахассисларнинг катта группасини етказиб берди. Ўқув юртини тамомлаб чиққан минглаб йигит-қизлар ғолиб ишчилар синфи армияси safини тўлдирмоқдалар. Булардан кўпчилиги саноат корхоналарида муваффақият блан ишлаб, ўзларининг техника билимларини бойитмоқдалар.

Геннадий Фролов ўқув юртини тамомлаганда унга 4-нчи разряд слесарлик касби берилган эди. У ишда давомида тажрибали ишчилардан ёрдам ва маслаҳат олиши, ўз устида тинмай ишлаши натижасида юқори малакали ишчи бўлиб етишди. Ҳозир у Каганович номли заводнинг ремонт-аравасозлик цехининг бошлиғи бўлиб ишламоқда. Шу заводда ишлаётган коммунист мастерлардан Я. Деркач, М. Грашанин, бригадир А. Серов ўртоқлар ҳам шу ўқув юртини тамомлаб чиққанлар.

Темир йўл мактаби етиштирган мутахассислар саноат корхоналари ва Иттифақимиздаги темир йўлларда ишлаб, коллектив ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Собиқ ўқучилардан В. Прилепский ҳозир Львов темир йўлида машинист, Пўлатов эса Тошкент темир йўлида тепловоз машинистининг ёрдамчиси бўлиб ишламоқда. В. Прилепский ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнати учун ҳукумат мукофотига сазовор бўлди.

Ўқув юрти тайёрлаб чиқарган кадрларнинг айримлари ишлабчиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий та'лим мактабларида ва олий ўқув юртларида ўқиб, ўз билимларини оширмоқдалар. М. Сергеев, В. Антонов, Е. Хайт, К. Орипов ўртоқлар корхоналарда раҳбарлик ўринларида ишламоқдалар. Тамомлаб чиқуучиларнинг бир қисми педагогик иш блан шуғулланмоқдалар. Н. Макаров, А. Бабичев, Т. Солихов каби ёш ўқитучилар муваффақият блан дарс бермоқдалар. Е. Макаров дарс бериш блан бир вақтда темир йўл транспорти инженерлари кечки институтида ҳам ўқимоқда.

Темирйўлчилар мактаби яхши жиҳозланган синфлар ва мастерскойларга эгадир. Янги ўқув йилида мактаб ётоқхоналари радиолаштирилиб, синфлар қўшимча равишда кўргазмали ўқув қуроллари блан бойитилади. Бу ерда А. Ахмедов, Д. Ведяев, Я. Попов, В. Сивочуб каби кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган ўқитучилар ишлайдилар.

Ўқув юртини бу йил тамомлаб чиқуучиларнинг кўпчилиги Тошкент темир йўли ва Каганович номли заводда ишлайдилар. Булардан Мирзааҳмедов, Содиқов, Файзиев, Эргашев, Хўжаев ўртоқлар токарь, слесарь, темирчи, қолиб-чилик мутахассислигини эгалладилар.

Мамлакатимизда мавжуд бўлган темирйўлчилар мактаби ва шунга ўхшаш техника мактаблари, ҳунар ўқув юртларини тамомлаб чиқаётган ёшлар шонли ишчилар армиясининг сафдошлари бўладилар. Булар илғор совет техникасини ишчилар бўлиб етишдилар. Социалистик саноатимизда кундан-кунга кенгайиб бораётган рационализаторлар safи ана шу малакали ишчи кадрлар ҳисобига ўсмоқда. Бунинг натижасида саноат машиналари кундан-кунга такомиллашиб бормоқда ва иш унуми ошмоқда, мамлакатимиз неча миллион сўмлаб фойда олмоқда.

Д. ДРАПКИН,

Темирйўлчилар 1-нчи ўқув юрти директорининг ўринбосари.

П. ЛОБАНОВ,

Тошкент вагон участкасининг мастери.

Бекободлилар ўз мажбуриятларини бажариш учун курашмоқдалар

БЕКОБОД (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Бекобод шаҳар партия совет ва жамоат ташкилотлари мактабларни янги 1954—55 ўқув йилига ўз вақтида намунали тайёрлаш юзасидан ўз зиммаларига конкрет социалистик мажбурият олиб, областимизда ташаббусни биринчи бўлиб бошлаб берган эдилар. Ҳозир шаҳардаги жамоат ташкилотлари ўз социалистик мажбуриятларини бажариш мақсадида мактаб биноларини ремонт қилиш ишига қизғин киришдилар.

Шаҳарда 4 та ўрта, 4 та еттийиллик, 1 та бошланғич ва 2 та кечки ишчи ёшлар мактаби бар. Ҳозир 8 мактаб биноси капитал, 2 мактаб биноси кичик ремонт қилинмоқда. Шаҳардаги корхоналарнинг коллективлари мактабларни янги ўқув йилига беками-кўст тайёрлаш, ремонт ишларини мажбуриятда кўрсатилган муддатда бажариш учун оталик ёрдамини кучайтирмоқдалар. Фарҳод ГЭС коллективи Пушкин номидаги мактаб биносининг ремонтини тамомлади. Цемент ва пахта тозалаш заводлари оталиқдаги икки мактаб биносининг ремонтини тамомлаш олдида турипди. Металлургия, асботруба заводлари, «Иттифоқ» артели ва бошқа бир қатор корхоналарнинг коллективлари мактаб биноларини ремонт қилиш ишини тез сур'атлар блан олиб бормоқдалар.

Бекободторг мактабларни зарур бўлган қурилиш материаллари блан та'минламоқда. Чунончи ҳозир 1100 килограмм белил, 250 килограмм алиф, 500 килограмм ҳархил краска, 1 тонна мих, 700 квадрат метр ойна ва бошқа қурилиш материалларн етказиб берди.

Пахта тозалаш заводи (директори Я. Годушкин, партия ташкилотининг секретари Сотников) коллективи ремонтчилар бригадаси ташкил этди, ҳозир бу бригада оталиқдаги 6-нчи мактаб биносини капитал ремонтдан чиқармоқда. Оталик қилучи ташкилотлар мактабларни ўқув қуроллари ва ёқилғи блан та'минлашга катта э'тибор бермоқдалар.

Ўқув йили тамом бўлиши бланок шаҳардаги мажбурий та'лим олиши керак бўлган барча ўқиш ёшидаги болалар рўйхатга олиб чиқилди. Шунингдек янги ўқув йилида 1-нчидан 10-нчи синфгача 4100 бола ўқиши, ўтган йилги 134 синф ўрнига 142 синф очилиши ҳам аниқланди.

Шаҳар жамоатчилиги болаларнинг ёзги дам олишини намунали уюштирирмоқдалар ва уларни соғламлаштириш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Металлургия заводининг кенг ва кўркам боғида 500 бола учун 3 сменалик пионерлар лагери очилди. Шаҳар маданият ва истироҳат паркида, цемент заводи ишчилар шаҳарчасида, Фарҳод ГЭСдаги Пушкин номли мактабда болалар майдончалари ташкил этилди. Пионер лагерьлари ва болалар майдончаларида мактабларнинг жуда кўп ўқучилари кўнгилли дам олмоқдалар.

Шаҳар жамоатчилиги мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш, умумий мажбурий та'лим тўғрисидаги қонунни бажариш, болаларнинг ёзги дам олишини намунали уюштириш ва шуйингдек бошқа муҳим тадбирларни амалга ошириш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш учун курашмоқдалар.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

Аркадий Гайдарнинг „Танланган асарлари“ ўзбек тилида

Аркадий Гайдар (1904—1941) Иттифоқимиздаги барча болаларнинг севимли ёзучисидир. Унинг «Р. В. С.», «Мактаб», «Темур ва унинг командаси» каби бир қатор ажойиб асарлари совет болалар адабиётининг қимматли намуналаридан ҳисобланади.

Гайдар ижодининг асосий хусусиятлари — асарларининг ғоявий жиҳатдан чуқурлиги, турмушни ростгўйлик блан тасвирлаши, совет болалари образларининг равшан ва ҳаётий қилиб тасвирланиши, уларни меҳнатда ва курашда кўрсатаолиши, ҳикоянинг табиий ва жонли қилиб олиб борилишидир. Ёзучининг асарлари совет педагогларига жуда бой материал беради. Бу жиҳатдан ҳам Гайдар ижоди алоҳида аҳамиятга эга.

Аркадий Гайдар болаларнинг ички дун'ёсини ва тилини яхши билади. Гайдарнинг кичкина қаҳрамонларининг ҳаёти катталарнинг ҳаёти блан, мамлакатимиздаги воқиалар блан чамбарчас боғлиқ ҳолда берилади.

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти Аркадий Гайдарнинг «Танланган асарлар»ини ўзбек тилида босиб чиқариб катта иш қилди. Бу китоб ёш китобхонларимизга муносиб совға бўлди. Салкам эллик нашриёт листи ҳажмидаги бу китобга ёзучининг энг машҳур асарларининг ҳаммаси кирган. Китобдаги расмлар рассом А. Ермолаевнинг Гайдар асарларига ишлаган ва болалар адабиёти давлат нашриёти томонидан 1951 йилда Москвада босилган китобдаги расмлардан кўчирилган.

Китобда Гайдарнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида А. Кононов ёзган сўзбоши тарзида мақола ва А. Гайдарнинг ўзи 1937 йилда ёзган «Автобиография» босилган.

Тўпламга киритилган «Р. В. С.» ҳикояси блан «Мактаб» повести гражданлар уруши тўғрисидаги асарлардир.

Гражданлар уруши жуда кўп совет кишиларига ҳаёт мактаби бўлди, бу мактабда та'лим олиб жуда кўп ажойиб, софдил, янги кишилар етишиб чиқдилар. Гайдарнинг болаларга атаб ёзган биринчи асари «Р. В. С.» ҳикояси бўлди. Ҳикоядаги воқиалар гражданлар урушининг дастлабки йилларида бўлиб ўтади. Бу воқиаларда болалар ҳам иштирок этадилар. Совет халқи интервентларга қарши оғир кураш олиб бориш блан банд бўлган бир пайтда ўсмирларнинг тўғри йўлни топиб олиши жуда қийин эди. «Р. В. С.»да Гайдар худди ана шу темани кўтариб чиқади. Шунингдек бу тема унинг «Мактаб» повестида ҳам мукаммал кўрсатилган.

«Мактаб» повести 1930 йилда ёзилган, унда гражданлар урушининг тасвири кучли бадиий ифодалар воситаси блан кенг ва тўғри кўрсатилади. Бу повестьнинг қаҳрамони Борис Голиков бу буюк мактабда та'лим олиб ўсади, шу образ орқали автор болаларга «номус», «байроқ», «мардлик», «ҳақиқат» деган сўзларнинг ма'носини англатаборади.

Борис Голиков автобиографик образдир, бу образ орқали ўн тўрт ёшидан бошлаб Қизил Армия safида совет ҳокимияти душманларига қарши жанг қилган Гайдарнинг бошидан ўтган кўп воқиаларнинг тасвири берилади.

«Мактаб» повестида ёш ўсмирнинг характерли образи тасвирланади. У ўқучилар кўзи олдида ўсиб боради. У ба'зан катта хатолар ҳам қилади, лекин повестни ўқиган одам назарида янги ҳаёт қураётган ёш ўсмирнинг олга интилиши, унинг ўсиб бораётганлиги ёрқин гавдаланади.

Гайдарнинг энг машҳур асарларидан яна бири «Темур ва унинг командаси» повестидир. Бу повестни ёзучи ўсиб келаётган ёш совет авлодида энг яхши хислатларни тарбиялаш масаласига бағишлайди. «Темур ва унинг командаси»да Гайдар совет ёшларининг олий идеалларини кўрсатади. Темур бошчилигидаги болалар группаси ўз фаолиятини одамларга, айниқса жонажон ватанимиз мудофааси блан банд бўлган кишиларга бўлган муҳаббат асосида олиб боради. Темур бошлиқ бўлган болалар командаси ватан ҳимоячиларининг онлаларига ёрдам кўрсатади. Маҳкам бирлашган коллективни ташкил қилган бу болалар ҳамма ишни ҳам уюшқоқлик ва зўр ишонч блан, тез ва ҳечкимга билдирмай қиладилар. Темурнинг командаси — аҳил болалар коллективидир. Улар ўз «комиссари»ни жуда яхши кўрадилар ва ҳурмат қиладилар, улар: «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» деган қонунга асосан яшайдилар, иш кўрадилар.

Бу асарда Гайдар ўзининг ёш ўқучиларини ҳаётнинг актив қуручилари бўлишга чақиради, бу иш бўлажак совет гражданлари учун ҳам муҳим, ҳам зарур эканини кўрсатади.

«Болаларни тарбиялайбилиш — катта талант ва ҳаётни кенг миқ'ёсда билишни талаб қиладиган давлат аҳамиятига эга бўлган буюк ишдир» — деб ёзган эди 1927 йилда М. Горький ўзининг «Эски ва янги нарсалар тўғрисида» деган мақоласида. Гайдар бутун умрини ана шу «давлат аҳамиятига эга бўлган иш»га бағишлади.

Гайдарнинг «Танланган асарлари» ўзбек тилида босилиб чиқиши адабиётимизда шубҳасиз катта воқиадир.

Таржимонларнинг кўпчилиги ўз олдига қўйилган шарафли ва муҳим вазифани асосан уддасидан чиқаолганлар. Китобдаги кўпчилик асарлар анча яхши, равон таржима қилинган. Гайдарнинг кичкина қаҳрамонларига хос тили, уларнинг характерини, болаларга хос қилиқларини очиб беручи тасвирий воситалар кўп ўринларда тўғри ва муваффақиятли таржима қилинган.

Тўпламга кирган биринчи асар «Р. В. С.» таржимасидан битта мисол келтирамиз. Димка блан Жиганнинг танишувини тасвирлаган эпизод шундай таржима қилинган:

«У (Димка — М. С.) дар'ё бўйида кичкина оқиқ бир болани кўрди, бола ерда ётар, ёнида жулдир халтаси бор эди. Оёқ товушини эшитиб, бола қўшиқни тўхтатди-да, Димкага хавфсираб қаради.

— Нима дейсан?

— Ҳечнима... Ўзим!

— Ҳа-а! — деди у чўчиб, жавобдан қаноатлангандек, — ишқилиб, уришмайсанми?

— Нима-а?

— Уришмайсанми, деяпман... Бўлмаса, билиб қўй! Ўзим кичкина бўлганим блан, шунақа дўппаслайманми...

Димка уришишни хаёлга ҳам келтирмаган эди, шунинг учун ҳам у:

— Қўшиқ айтган сенмидинг? — деб сўради.

— Мен.

— Ўзинг кимсан?

— Мен Жиган! бўламан, — дея керилиб жавоб берди у. — Шаҳарлик Жиган зўр бўламан... Лақабим шунақа».

Китобда бундай муваффақиятли таржима қилинган ўринлар кўп.

Лекин катта ҳажмдаги бу китобга кирган айрим таржима асарларда ҳархил камчиликлар, ҳатто ба'зан ҳато таржима қилинган ўринлар ҳам учрайди.

Бу камчиликлар, «Мактаб» повестининг таржимасида учрайди. Повестни Б. Мақсудов блан Т. Мирзаев таржима қилганлар. Бу асар ўзбек тилида бирнеча марта нашр қилинди, асарнинг бу охирги марта босилишида унинг таржимаси устида жиддий иш олиб бориш зарур эди. Лекин шунга қарамай, унда бирқанча хатоликлар, ғализ жумлалар учрайди.

Масалан, китобнинг 50 бетида шундай жумла бор: «Саровада нуқул: фалон кўрнинг кўзи очилипти, фалон чўлоқнинг оёғи тузалипти, фалон букирнинг қадди ростланипти, деган гап эшитиларди». Оригиналда эса, аксинча, му'жизалар тўғрисидаги миш-миш гаплар Саровада эмас, Арзамасда бўлиб ўтганлиги ёзилган.

Китобнинг 53 бетида Тимка деган бола ўртоғига қараб: «Ойим Валька Снагинаникига фотиҳага кетди» дейди. Ваҳоланки, Валька Снагинанинг онаси Тимканинг отаси хизмат қиладиган бутхонага фотиҳа ўқигани келган бўлади. Тимканинг онаси тўғрисида эса бир оғиз ҳам гап бормайди.

Бошқа ба'зи асарларнинг таржимасида ҳам айрим хатоликлар учраб туради. Масалан, ёш таржимон Қодир Аҳмадий таржима» қилган «Енар тош» ҳикоясида: «Голыми руками он поймал в канаве щуку» деган жумла «Ялонгоғ қўли блан ариқдан чўртон балиқ ушлаб олди» деб таржима қилинган. Бу ердаги «Голыми руками» ибораси ҳечқандай асосбосиз қуруқ қўли блангина деган ма'нони билдиради.

«Р. В. С.» ҳикоясида ҳам ба'зи нотўғри иборалар, жиддий камчиликлар учрайди.

Таржимон О. Раҳимий «қувиб чиқарди» дейиш ўрнига «қувиб юборди», «хумкалла» дейиш ўрнига «шалпанг қулоқ» деб ўзбек китобхонларини чалкаштирган. Оригиналдаги «...солнце... заходило понемногу...» деган жумла «... қуёш тўхтаб қолди» деб тамоман мантиқсиз гапга айлантирилган.

«Ҳарбий сир»нинг таржимасида ҳам ба'зи хатоликлар учрайди. С. Тилла оригиналдаги «Очень хорошо, что быстро договорились» деган жумлани «Кўп яхши бўлди. Дарров келдинг, соз бўлди» деб тамоман тескари таржима қилган.

Лекин Гайдар асарларининг кейинги нашри устида энг жиддий иш олиб боришни талаб қиладиган асар — ёш тажрибалардан М. Солиев блан Э. Рустамовлар таржима қилган «Ўрмонда тутун» номли асардир. М. Солиев блан Э. Рустамовлар таржимасида жиддий камчиликлар кўп учрайди, улар айниқса тил устида кўп ишлашлари керак.

Текстни русчасига солиштириб кўрсангиз кўп ўринларда ма'но бузилганчи, ифодалар аниқ эмаслигини англаб олиш қийин эмас.

Уларнинг таржимасида сўз ёки ибораларнинг тушиб қолган ўринлар кўп учрайди, бу ҳол асарнинг бадиий қимматини туширган. «Ўрмонда тутун» асарининг биринчи гапидаёқ «Янги қурилган» деган ибора тушиб қолган. Ваҳоланки, гап ўрмон ичига қурилган янги завод ҳақида боради.

Бу тарздаги сўз тушиб қолган ўринлар бошқа асарларда ҳам учрайди.

Китобга редакторлик қилган Ш. Са'дулла ўз устидаги мас'улиятни англаб, иш кўрган ва А. Гайдар «Танланган асарлар» китобининг ўзбек тилида сифатли бўлиб чиқишига ижодий ҳисса қўшган. Лекин Ш. Са'дулла Аркадий Гайдар каби етук сўз устасининг асарларига редакторлик қилиш ишига жуда катта мас'улият блан қараш зарурлигини, ҳарбир асарнинг бадиий томонларига алоҳида аҳамият бериш кераклигига яна ҳам кўпроқ э'тибор берганида юқоридаги камчиликларга йўл қўйилмаган бўлар эди.

Юқорида кўрсатилган таржималардаги камчилик ва нуқсонлар Гайдар асарларининг кейинги нашрида тузатилиши керак. Бу камчиликлар тузатилса Гайдар асарлари яна ҳам қимматлироқ, ёш китобхонлар қўлидан тушмайдиган китоб бўлиб қолади.

С. МУҲАММАДЖОНОВ.

I Жиган — зўравон одам лақаби.

Ҳосил тўплаш ойининг ҳарбир кунидан унумли фойдаланайлик!

☆ ☆

Ҳосил тўплаш кунларида

Радио карнайидан: «Пахтакор ўртоқлар, ҳосил тўплашда ҳал қилучи июль ойида ғўза парваришн юзасидан белгиланган тадбирларни тўла амалга ошириш учун курашайлик!» деган чақириқдан кейин қишлоқ хўжалик ходимлари учун берилган концерт ҳам тамом бўлди. Иссиқ овқатни еб бўлиб, қолган вақт ичида чой ичиб, гурунглашиб ўтирган колхозчилар ўзаро бир-бирларига «қани энди ишга турайлик» деб, қўзғалабошладилар.

5-нчи звенонинг бошлиғи Орифака:

— Келақол, Иброҳимжон, — деди у этагини пешлаётган йигитга, — мана бу ғўнгни элагин, мен дориларни тайёрлай, ҳозир «СУЗ» ҳам келиб қолади.

Колхоз раиси ўртоқ Маннонов 10-нчи бригада бошлиғи Қосимов ва полевод Юсупов блан эрта тонгда қарталарни кўздан кечириб, ўсишдан кейинда қолган ғўзаларни аниқлаб юрганларида Орифака звеносидаги 2 гектарча қолоқ ғўзани алоҳида ҳисобга олган эдилар. Раис бироз ғина қилгандай бўлди. Шунда звено бошлиғи Ориф ака ўз хатосига иқрор бўлиб, бу ғўзани ҳам етилтириб, ўстириб олишга ва'да берган эди. Аслда воқиа бундай бўлган: ана шу 2 гектар майдон тепалик жой бўлган. Уни колхозчилар машиналар ёрдами ва қўл кучи блан текислаб, тепалик бетидаги кучли тўпроқларни эски ариқлар ва пастлик жойларга ётқизганлар. Тепалик тагидан эса кучсиз тупроқлар чиқиб қолиб, етарли озиқ бўлмагани учун ғўзанинг ривожланишига имкон бермаган.

Халиги дам олиш пайтида Ориф ака колхозчилар блан худди шу тўғрида гаплашди. Колхозчилар звенонинг бир парча ерида ҳам қолоқ ғўза қолдирмаслик, 12 гектар ердаги ҳамма ғўзаларни бир текисда ривожлантириб, ёппасига ҳосилга киритиш тадбирларини белгиладилар. Колхоз правлениеси эрталабки ва'дага мувофиқ, ҳозирнинг ўзида бу звенога 4 арава маданий ўғит жўнатди. Ер бошига бригаданинг ўзидаги мавжуд маҳаллий ўғитлар чиқарилди.

Тошкент областидаги илғор звено бошлиқларининг мурожаати ҳамма бригада ва звеноларда муҳокама қилиниб чиққандан кейин, колхозчилар ва звено бошлиқари бригада бошлиқлари ҳамда правлениедан звено принципига қатиқ риоя қилишни, звено бошлиқларининг ролини оширишни, моддий-техника ресурсларини тўғри тақсимлашни, звенодаги ишчи кучларини бошқа бригада ва звеноларга таратиб юборасликни талаб қилган эдилар. Колхоз правлениеси бу ҳақли талабларга э'тибор блан қараб, энди звеноларга раҳбарликни кучайтирабошлади.

Июль ойи — ғўзаларни ҳосилга киритиш, ҳосилга — ҳосил қўшиш ойидир. Бу ойда ҳамма имкониятларни ишга солиш тўғрисида партия ва ҳукумат томонидан берилган кўрсатмалар колхозда кенг равишда муҳокама қилинди, тадбирлар белгиланди ва амалга оширилабошланди. Масалан, колхоз омборида ётган маданий ўғитлар ер бошига чиқарилди, узоқ-яқиндан маҳаллий ўғитлар келтирилди.

Маҳмуд Рўзиматов — илғор звено бошлиғи. Звенонинг 13 гектар еридаги ғўзалар ёппасига гуллаб, шоналаб, ҳосилга кирган. Биз катта ер бўйлаб ғўзаларни кўздан кечириб юрганимизда бригада табельчиси Комилжон Гулмирзаев:

— Бу ғўзалар Маҳмуд отанинг ва звено а'золарининг пешона тери блан ўсиб-ривожланмоқда. Бу майдонлар ҳозир тўрт марта сифатли культивация қилинди, икки марта озиқлантирилди. Маҳмуд отанинг ўзи ғўзаларни усталик блан суғоради. Мана кўринг, бу ерларда битта ҳам ёввойи ўт кўринмайди.

Комилжон бизни дала шийпонига бошлаб борди. Шийпон жуда ҳам озода, турли плакат, шиор ва алвонлар блан безатилган.

Шийпон деворидаги диаграммаларни ва жадвалларни кўрсатиб, Комилжон бундай дейди:

— Холиқул Тошматов бошлиқ 2-нчи звено Маҳмуд ота Рўзиматов бошлиқ звено блан мусобақалашиб, ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта ҳосили олиш учун курашмоқда. Бригадамизда илғор кишилар кўп. Мен колхозчилар блан суҳбат ўтказганимда, газеталардан мақолалар, хабарлар ўқиб бергаимда шу илғор кишиларимизнинг иш намуналарини мисолга келтираман.

Абдулла ака бошлиқ 10-нчи бригада колхознинг 2-нчи бригадаси блан мусобақалашади. Бундан уч кун илгари 2-нчи бригададан одамлар келиб, Назар Холматов бошлиқ 6-нчи звенонинг бир гектар ғўзасига шира тушганини аниқладилар. Абдулла ака ва Назар акалар бу аҳволдан ўзлари ҳижолат тортдилар. Колхоз химизатори Иброҳим Сотиболдиевни чақириб келиб, дарҳол ширага қарши ҳимия тадбирларини кўрдилар.

— Бугун эрталаб картани бундай текшириб чиқсам, шира кўтарилиб қопти, ҳайтавур, — деди Назарака.

Ғани ака Халилов бошлиқ 9-нчи бригаданинг пахта майдонлари 10-нчи бригада ерларига келиб туташади. Катта бир қартадаги ғўзаларни кўриб, чеҳрамиз очилди. Акрамжон Усмонов бошлиқ биринчи звенонинг бу ғўзалари яхши парвариш қилинмоқда. Акрамжон аканинг ўзи тажрибали, эски деҳқон. Ҳар йили ҳам пахта тайёрлаш планини ошириб бажаради. Аммо, Акрамжон аканинг звеносига ёнма-ён бўлган Ашур Йўлдошев бошлиқ 3-нчи звенонинг ғўзалари ўртамиёна ишлаб, ҳосили ҳоҳлаб қолади. Гоҳо-гоҳо бригадир Ғаниҳўжадан қойийди, гоҳо полеводдан, раисдан қойийди. Очиғини айтганда, айб Ашур аканинг ўзида. Культивация қилиш учун унинг ерига трактор ўтганда кўпинча Ашур аканинг ўзи ер тепасида бўлмайди. Бошқа звеноларг ғўзаларни икки-уч мартадан озиқлантирдилар, аммо, Ашур ака ғўзани бир марта озиқлантириб хотиржам бўлиб қўяқолди.

Колхоз агрономи Худойберганов, райкомнинг шу колхозга бириктирилган инструктори Муродов ўртоқлар коммунист Ғулюй Норматова бошлиқ 1-нчи бригададан қайтиб келаётганларида биз уларни учратдик. Партия бюросининг планига мувофиқ (партия бюросининг секретари ўртоқ И. Ойтўраев) бу ўртоқлар колхознинг энг илғор бригадасида «Июль ойида ҳосил тўплашнинг тадбирлари» тўғрисида суҳбат ўтказиб қайтаётган эканлар. Шу блан бирга, улар колхоздаги механизаторларнинг социалистик мусобақасини якунлаш тўғрисида механизаторлар блан гаплашганлар.

— Ўртасаройли механизаторлар камида минг гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилиш мусобақасини бошлаб бериб, жуда яхши иш қилдилар. Биздаги механизаторларнинг ҳаммаси ўз устларига олган мажбуриятларини бажаришга астойдил киришганлар. Самар Нуғмонов 900 гектар ерни культивация қилди. Тошпўлат Мадюсупов минг гектар эмас, бир минг учюз гектар ғўзани культивация қилмоқчи. Обид Бадалов бошлиқ 4-нчи бригада ва Эгамберди Мирзабоев бошлиқ 17-нчи бригада тракторчилари ҳосил тўплаш ойида янада астойдилроқ меҳнат қилиб, колхозимизга амалий ёрдам бермоқдалар.

Колхоз агрономи — колхоз ишлабчиқаришини ташкил этучидир. Ўртоқ Худойберганов ана шу ишончи тўла бажариш учун курашмоқда.

Ҳосил тўплашда энг ҳал қилучи июль ойида Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхозда юқори ҳосил учун кураш ана шундай уюшқоқлик ва юксак ғайрат блан давом этмоқда. Ҳосил учун кураш кунлари қизғин ўтмоқда. Бу курашнинг муваффақият блан якунланишига ҳаммамиз ишонч блан қараймиз, албатта.

Р. МУҲАММАДИЙ.



Оҳангарон районидаги 1-нчи МТСнинг ҳозиргача 780 гектар ердаги ғўзани гектар ердаги ғўзани ишлаб беришга 3-нчи бригаданинг ғўзаларини 4-нчи нинг давлат агрономи **Шокирҳўжаев** моқда.

☆

Ўғит мажораси

Бугун Ильич номли колхоз раиси ўртоқ Муллаев ўрнидан барвақт турди. У, ҳатто бет-қўлини ҳам ювмай, нонушта ҳам қилмай «Победа»га ўтириб, Сирдарё районидаги Марказга етиб келди. Нихоят «Победа» район марказига етиб келди. Лекин раис қаерга тўхташини ва қайси эшикка бориб тақиллатишини билмай кўчама-кўча: «Мусеевнинг уйи қаерда, қайси бири экан» деб қидира бошлади. Орадан сал ўтмай шошилиб «Ленинизм» колхозининг раиси ўртоқ Тиллаев ҳам Сирдарёга етиб келди. У ҳам Муллаев сингари Мусеевнинг уйи шу бўлса керак деб кўринган эшикни қоқиб кўрарди. Ҳарҳолда Муллаевнинг уриниши зойи кетмади. У Мусеевни биринчи бўлиб топиб, «Победа»га ўтказди ва Великий-Алексеевскийга олиб келишга муваффақ бўлди. У ерда тўпланган Сирдар'ё ва Верхне-волинск район колхоз раислари Муллаевнинг маҳоратига қойил қолдилар. Тўғриси ба'зи раислар Мусеевга хушомадгўйлик қилдилар. Ҳамма «мана ўртоқ Мусеев ҳам келиб қолдилар, ҳозир ўғитни оламиз» деб мамнун бўлдилар.

Мусеев «Селхозснаб»нинг Великий-Алексеевский станциясидаги складига йўл олди ва бир гала одамлар унинг орқасидан эргашди. Мусеев шошилмай складни айлана бошлади. Қатор-қатор машиналар, аравалар ёнидан ўтди, катта айвонга келиб бирдан ўтирди. Яна ўрнидан туриб айлана бошлади. Лекин гала-гала одамлар унинг орқасидан ҳамон эргашиб юрар эди. Кута-кута зериккан колхозчиларнинг ба'зилари мудраб қолишди. Ниҳоят, Мусеев складнинг ёнидаги ўрнидан турди ва ўзи ўтирган ўриндиқ ёнидаги ўрнини кўрсатиб, Комилжонга ўтирмоқчи бўлди. Ҳамма ҳайрон бўлиб, Мусеевнинг ҳаракатини кузатишарди. Ба'зи раислар пахта пунктдаги чойхонага чиқиб кетди.

Сирдар'ё районидаги Тарас Шевченко номли колхоз раиси ўртоқ Мухаммадали Ҳужаев қаршисида колхоз раиси олан келишиб, хали складдан чиқарилмаган аммиак силитрадан 10 тонна қарз олиб турмоқчи бўлди. Бу вақт чойхонада ўтирган раислар хотиржамлик блан чой ичолмай, дам-бадам складга бориб келар эдилар.

Соат 1 дан ошди. Хамон Мусеев галагала одамларни орқасидан эргаштириб магрурона юрмоқда. У соатига бир қараб олгач, обед ҳам бўлиб қолиптику деди ва ошхона томон юрабошлади. Унга бирқанча одам аралашди. Овқат вақти ҳам тамом бўлди. Бу орада складга яна бирнеча «Победа» ва «газ» машиналари келиб тўхтади. Обеддан кейин склад очилади, деган умид пучга чиқди. Склад очилиш ўрнига жанжал бошланди. Верхне-волинск районидан келган ўртоқлар ҳамма силитрани биз оламиз десалар, Сирдар'ё районидан келган ўртоқлар биз оламиз деб дўқ ура бошладилар. Ҳарким ўз фикрини исбот этиш учун далил келтира бошлади.

Хуллас, шу куни ўғит олиши мумкин бўлган ба'зи колхозлар бир граммдан ҳам ўғит олалмадилар. Кўп одамлар сарсон бўлиб қайтишга мажбур бўлди. Великий-Алексеевский станциясидаги Мусеев мудир бўлган «Селхозснаб» омборида ҳар куни ахвол деярли шундай давом этмоқда.

Б. ХАЛИЛОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири

Қаҳрамонлар бригадасида

Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳромонлари К. Ақилбеков ва И. Раҳимов ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари бу йил пахта майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Бу бригадаларда даладаги иш олинган мажбуриятга муносиб равишда ташкил қилинган. Ҳозир бу бригадаларда ғўзалар тўрт марта культивация ва уч марта чопиқ қилинди. Универсальчилар, бригада бошлиқари блан бамаслаҳат ишлаб, қатор ораларини тўла кенглик ва чуқурликда культивация қилганликлари учун меҳнат унуми ошиб, қаторлар қунт блан чопиқ қилинмоқда.

Бригада бошлиқари ўз тажрибалари ва илғор совет агробиологияси фани ютуқларини усталик блан қўлланиб, ғўзани суғориш ва озиқлантиришда яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар қарбир участкадаги ғўзани доим кузатиб, унинг озиқ ва сувга бўлган эҳтиёжининг қондайлигини қунт блан ўрганиб, сўнгра суғорадилар, ўғитлайдилар.

Парвариш яхши бўлганидан ғўзаларнинг шонаси гулга, гули қўсакка айланмоқда. Ҳозир олди ғўзаларда 3-нчи бригада а'золари ҳосил тўплашни яна тезлатиш ва уни эрта етилтириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

У. МАМАСОЛИЕВ.

Ҳиндистон касаба союз делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

СССР касаба союзларининг XI с'езди ишида қатнашган Ҳиндистон касаба союз делегацияси Ўзбекистонда беш кун турди.

Делегация составида: Умумҳиндистон касаба союзлари конгресси раисининг ўринбосари, Ҳиндистон парламенти юқори палатасининг а'зоси Сатьяприйя Банержи, Ҳиндистон касаба союзлари Бирлашган конгресси президиумининг а'зоси, Ҳиндистон парламенти қуйи палатасининг а'зоси Срикантан Наир, Ҳиндистон ишчилари союзининг бош секретари Ражарам Шастри, қанд саноати ишчилари Умумҳиндистон федерациясининг раиси Шибанлал Саксена, Умумҳиндистон касаба союзлари конгресси бош кенгашининг а'зоси, Ҳиндистон парламенти қуйи палатасининг а'зоси Виттал Рао, Ҳиндистон ишчилари союзининг а'зоси Вирендра Бахадур Синглар бор.

Меҳмонлар Ўзбекистон меҳнаткашларининг қаётн блан муфассал танишдилар, саноат корхоналарида, колхозларда, илмий ва маданий-оқартув муассасаларида бўлдилар. Улар Тошкентдаги Сталин номидаги тўқимачилик комбинатига, Молотов номидаги медицина институтига, Ўзбекистон СССР Фанлар академияси президиумига ва республика Қишлоқ хўжалик министрлигига, Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат халқ кутубхонасига бордилар, шаҳарнинг хушманзарали жойларини тамоша қилдилар. Ҳиндистон касаба союз ходимлари Калинин районидаги Сталин номли ва Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозларга, Янгийўл районидаги иккинчи МТСга бордилар, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назоратининг раҳбари муфти Эшон Бобохон ибн Абдул Мажидхон блан суҳбатлашдилар.

Ҳиндистон меҳнаткашларининг вакиллари ЎзТАГ мухбири блан суҳбатда Ўзбекистонда бўлган вақтларида олган таассуротлари ҳақида сўзлаб бердилар.

— Ўз сафаримиз вақтида биз Совет ҳокимияти йилларида Совет Шарқида юз берган ўзгаришларнинг нақадар катта эканлигига яққол ишониш имкониятига эга бўлдик, — деди Умумҳиндистон касаба союзлари конгресси раисининг ўринбосари Сатьяприйя Банержи. — Ҳозирги Ўзбекистон территориясидаги кишилар Октябрь революциясидан илгари зулмат ва қашшоқликда турмуш кечирганликларини биз яхши биламиз. Ҳозир Ўзбекистонда ёркин нур порлайди. Илгари йирик корхоналари бўлмаган республикада ҳозир ривожланган индустрия вужудга келтирилган. Тошкент тўқимачилик комбинати ана шу индустриянинг муносиб намунасидир. Примитив қишлоқ хўжалиги ўрнига юксак деҳқончилик маданиятига эга бўлган колхоз ишлабчиқариши барпо этилган. Бу прогресс ажойибдир. У бир-бирларига қардошларча ёрдам кўрсатучи барча совет халқларининг бир-галиқдаги ҳаракатлари натижасида вужудга келтирилган.

Сатьяприйя Банержи ўзбек халқи маданиятининг тараққиёти тўғрисида гапириб, бу маданият мазмунан социалистик бўлгани ҳолда ўзининг миллий шаклини сақлаб қолдирганлиги факти унга катта та'сир этганлигини та'кидлайди. У сўзининг охирида бундай деди:

— Делегациянинг бошқа а'золари сингари мен ҳам Ўзбекистонда колхоз ишлабчиқариши системасини қизиқиб ўргандим. Шуни айтиб ўтишим керакки, совет колхозларида деҳқонларнинг шахсий манфаатлари блан жамоат манфаатлари бир-бири блан жуда мустаҳкам боғланган.

— Совет Ўзбекистонида кейинги йилларда эришилган прогресс мени ҳайратда қолдирди, — деди қанд саноати ишчилари Умумҳиндистон федерациясининг раиси Шибанлал Саксена. — Илгари биз Ўзбекистонни ёппасига саводсиз мамлакат сифатида билар эдик. Эндиликда биз бу мамлакатда беш мингдан кўпроқ мактаб ишлаб турганини ва Ўзбекистонда олий та'лим олучи кишиларнинг процента Франциядагига қараганда икки баравар кўпроқ эканлигини биламиз. Республиканинг экономикасида юз берган ўзгаришлар каби бу ўзгаришлар ҳам ажойибдир, улар Совет ҳукуматининг доно миллий сиёсатини, совет халқининг ижодий иши кенг қулоч ёйганлигини жуда яхши характерлаб беради.

Шибанлал Саксена Совет ҳукуматининг болалар тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги унга айниқса кучли та'сир этганлигини айтди.

— Мен Тошкентда ва атрофдаги колхозларда ажойиб болалар муассасаларини кўрдим. Мен республика бюджетидан маблағларнинг ярмидан кўпроғи маориф учун сарф қилинаётганлигини билдим. Бирорта ҳам буржуа давлатида ёш авлод тўғрисида бундай ғамхўрлик қилинмайди.

— Мен касаба союз ходими бўлганлигим учун, — деди сўнгра Шибанлал Саксена, — совет ишчиларининг турмуш даражасига жуда қизиқдим. Ҳозир менинг ихтиёримда бўлган аниқ ма'лумотлар Совет Иттифоқининг бошқа районларидаги сингари Ўзбекистонда ҳам ишчи ўз меҳнати учун кўп ҳақ олаётганлигини ва бадавлат ҳаёт кечираётганлигини кўрсатади.

Биз ишчи ва деҳқоларнинг уйларига борганимиздан кейин ва ҳархил касбдаги кишилар блан суҳбатлашганимиздан кейин бу хулоса янада кўпроқ тасдиқланди. Ишонч блан айтиш мумкинки, Совет Иттифоқининг ҳарбир жойида меҳнаткашларнинг моддий турмуш даражаси капитал мамлакатларидагига қараганда анча юқоридир. Биз СССРда кўрганларимиз тўғрисидаги ҳақиқатни Ҳиндистон меҳнаткашларига ма'лум қиламиз ва бизнинг бу ҳисоботимиз уларни илҳомлантиражигига шубҳа қилмаймиз.

Ҳиндистон касаба союзлари Бирлашган конгресси президиумининг а'зоси Срикантан Наир ўз таассуротлари ҳақида бундай деди:

— Менинг фикримча, республика қишлоқ хўжалигининг ўзгартирилиши ўзбек халқининг энг катта ютуғидир. Ўзбекистоннинг пахтакор колхозларида механизациянинг юксак даражада бўлганлиги бизни жуда завқлантирди. Колхоз тузуми ўзбек деҳқонларини малакали ишчилар блан баравар шароитга қўйганлиги ҳам бизни ҳайратда қолдирди.

Срикантан Наир Ўзбекистонда кўпгина ишчилар ва колхозчилар блан суҳбатлашганлиги ва уларнинг ҳаммаси тинчликка интилаётганликларини айтганликлари ҳақида гапириб берди.

— Совет кишилари барча халқлар блан дўст бўлиб яшашни истаганликларини биз яхши биламиз, — деди Срикантан Наир. — Биз совет кишиларини, уларнинг тинчликка интилаётганликлари учун табриклаймиз.

— Биз Совет Ўзбекистонида халқлар қардошлиги намуналарини кўрдик, — деди Умумҳиндистон касаба союзлари конгресси бош кенгашининг а'зоси Виттал Рао. — Тўқимачилик комбинатида, медицина институтида, биз борган ҳамма жойда умумий бир ишни биргаликда қилаётган турли миллат кишиларини учратдик. Халқлар дўстлиги — совет тузумининг улуғ ютуғидир.

Ҳиндистон касаба союз делегациясининг а'золари баён этган ўз фикрларида Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги мустаҳкамланади ва ривожланади ҳамда бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб якдиллик блан ишонч билдирдилар.

Ҳиндистон касаба союз делегацияси 10 июльда самолётда Москвага жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг кандидатлари

Дзержинский номли колхоз

Бепоён мамлакатимизнинг турли жойларида Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига бориш учун қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Виставка кандидати бўлган илғорлар қаторида Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз ҳам бор. Колхоз виставкага ўз кандидатларини юбориш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги виставкасига кандидат бўлган бу гигант колхознинг ўз тарихи бор. Унинг ташкил бўлган вақти блан ҳозирги йирик хўжалигини таққослаганимизда, ер блан осмонча фарқ борлигини, колхоз тузумининг ғалабаси туфайли қадим замонлардан буён қовжираб ётган даштлар, одам кириб бўлмайдиган қамишзорлар ўзлаштирилиб, кенг экинзорларга айланганлигини кўрамиз.

Бирнеча ўн километрга чўзилган кенг территорияда гўркираб ўсаётган ғўзалар, резавор, полизлар, ширин-шакар мевазор боғлар, янтоқ адрларида ўтлаб юрган чорва моллари Дзержинский номли колхозга қарайди. Колхоз ерлари участкаларга бўлинган. Бу участкаларда илгари бошқа қишлоқ хўжалик артельлари ташкил этилган эди. Улар Дзержинский номли колхоз блан бирлашиб, йирик хўжаликка айланганлар. Йирик ташкил ва қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантираётган азамат колхозчилар ўз колхозлари блан ҳақли равишда фахрланадилар. Унинг яқин ўтмишдаги тарихи ва ҳозирги улкан ишларини мисолга келтириб, ажойиб рақамларни тилга оладилар.

Дзержинский номли колхоз илгари ўзининг экин майдонлари, чорва моллари ва ҳосил етиштириш жиҳатидан Бекобод районидаги бошқа колхозлардан фарқ қилмас эди. Колхоз ўша йиллари 900 гектардан ортиқроқ ерда пахта етиштирар эди. 1949 йилда колхозга олтита майда қишлоқ хўжалик артели қўшилди. Колхознинг пахта ери 920 гектардан 1700 гектарга етказилди. Янги қўшилган олтита колхоз ерларида илгари ҳар гектардан 20 центнерга яқин пахта ҳосили олинар эди. У колхозлар Дзержинский номли колхозга қўшилгандан кейин, 1950 йилдан бошлаб пахта ҳосили гектар бошига ортаборди. 1953 йилда ҳар гектардан 27 центнердан пахта ҳосили олинди. Колхоз ўтган йили давлатга пахта топшириш планини ортдириб бажарди.

Дзержинский номли колхоз йириқлашган сари, унинг хўжалиги янги техника кучлари блан мустаҳкамланаборди. Давлат колхозга тракторлар, деҳқончилик машиналари, ўруғлик ва минерал ўғитлар блан катта ёрдам бериб келмоқда. Колхоз далаларида кучли ҳайдов машиналари, бульдозер ва скреперлар ишлайбошлади. Ирригация ва мелиорация ишларининг асосий қисми машиналар воситаси блан бажарилди. Ерларни яхшилаштириш, планлаштириш ишлари яхши олиб борилди. Участкаларга тажрибакор пахтакорлар, агрономлар ва қишлоқ хўжалигининг бошқа мутахассислари доимий бириктилди. Меҳнат интизоми ва иш процесслари аниқ тартиб асосида йўлга қўйилди. Натижада йирик хўжаликнинг йирик ишлабчиқаришида катта ўзгаришлар юз беробошлади. Турли қишлоқ хўжалик экинларидан планда кўрсатилгандан ортиқ ҳосил етиштирилди.

Колхоз хўжалигини комплекс ривожлантиришда янги ерларни ўзлаштириб, экин майдонларини кенгайтириш катта имкониятлар яратди. Ана шу масала колхозчилар йиғилишида, коммунистлар муҳокамасида ҳал этилди. Колхозга қарашли бўш ётган ерларни ўзлаштиришда МТС механизаторлари актив ёрдам кўрсатдилар. Боғқоқ ва бўз ерларга хужум бошланди.

Урушдан кейинги йилларда 400 гектардан ортиқ боғқоқ ерлар қуритилиб, экин майдонларига айлантирилди. Сирдар'ё бўйларида зах босиб, қаровсиз ётган ерларда зовурлар қазилди. Бўз ва паст-баланд жойларга бульдозер ва скреперлар келтирилди. Кўп вақт ўтмай 1000 гектардан ортиқ бекор ётган қамишзор ва бўз ерлар экин майдонларига айлантирилди. Бу янги ерларда пахта, беда, сабзавот ва бошқа экинлар етиштирилмоқда. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши муносабати блан бригада ва звеноларнинг ерлари яхшилаштирилиб, экин парваришида механизация кучидан фойдаланиш анча яхшиланди.

Янги ерларни ўзлаштириш йилдан-йил давом этдирилмоқда. Шунингдек ирригация ва мелиорация ишлари ҳам тобора яхшиланмоқда. Шу йилнинг баҳорида 243 гектар бўш ётган ер ўзлаштирилди. Бу ерлар асосан экинзорлар атрофида экилмай ва текисланмай қолиб ётган паст-баланд жойлар ҳисобидан ўзлаштирилди.

1954 йилнинг февраль ойида Дзержинский номли колхозга яна қўшни бир колхоз қўшилди. Колхознинг экин майдони кенгайди. Колхоз янги қўшилган колхоз ва ўзлаштирилган ерлар бўлиб, бу йил 2402 гектар ерга чигит экди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта етиштириш учун мажбурият олди. Колхозда 43 та пахтачилик бригадаси тузилди, 200 дан кўпроқ звеноларга участкалар бўлиб берилди. Бригада, звено ва участкалар бўйича алоҳида мажбуриятлар олиниб, пахтакорлар ва механизаторлар тўрасида социалистик мусобақа кучайтирилди.

Нурмат Баратов, А. Оллоберганов, Матқосим Исомов, Холдор Гинаев ўртоқлар бошлиқ бригадалар колхознинг юқори ҳосилли, миллионер бригадаларидан ҳисобланади. Баратов (5-нчи) бригадаси 50 гектар, Оллоберганов (17-нчи) бригадаси 60 гектар, Исомов (30-нчи) бригадаси 70 гектар, Гинаев (39-нчи) бригадаси 96 гектар ернинг ҳар гектаридан 35—40 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу бригадаларнинг бўлак пахтазорларида 3-нчи чопиқ, 3-нчи суғориш, 2-нчи озиқлантириш ва 4-нчи культивация ўтказилди. Бу бригадаларнинг ғўзалари ялпи гуллаб, мўл ҳосилдан нишона бермоқда. Бригада а'золари ғўза парваришини кучайтириб, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига янги муваффақиятлар блан бориш учун меҳнат унумини кундан-кун оширмоқдалар.

Колхознинг илғор звеноларида юзцентнерчилик ҳаракати тобора кучайтирилмоқда. 50 дан ортиқ звено а'золари бу йил ҳар гектар ердан 50 — 70 центнердан ҳосил етиштириш учун социалистик мажбурият олган. Бу соҳада ўртоқ Абдулла Файзуллаев бошлиқ бўлган комсомол-ёшлар звеноси бутун колхозга намуна бўлиб ишламоқда. Звено а'золари ҳар гектар ердан 70 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун ғўзани тўхтовсиз парвариш қилмоқдалар. Ҳозир бу илғор звенонинг ғўзаси 4 марта комплекс парваришдан чиқарилиб, текис қўсаклайбошлади. Колхоздаги 200 га яқин звено а'золари КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумининг звено принципини мустаҳкамлаш ҳақидаги кўрсатмаларига амал қилиб, колхоз ишлабчиқаришини янада ривожлантириш, биринчи навбатда пахтачиликда янги муваффақиятларга эришиш учун ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар. Партиямизнинг янги қарори бригада ва звеноларни янги меҳнат ғалабаларига илҳомлантирмоқда, ҳарбир колхозчини, ҳарбир механизаторни колхоз хўжалигини мустаҳкамлашда ташаббус кўрсатиб ишлашга сафарбар қилмоқда.

Колхоз ишлабчиқаришида механизация катта роль ўйнаб келмоқда. Колхоз раиси ўртоқ Абдуқодир Шукуралиев колхозчилар фикрини ифодалаб бундай дейди:

— МТС бизнинг асосий ишларимизни бажариб келмоқда. Катта майдонларда мўл ҳосил етиштиришда 1-нчи МТС механизаторларининг ҳиссаси катта. Биз ҳархил ҳайдов ва бошқа машиналар ишидан жуда хурсандмиз. Агар улар бўлмаганда эди, боғқоқ ерларни қуритолмас эдик, бўш ётган ерларни экинзорга айлантираолмас эдик, даламиздан ҳар йили юқори ҳосил ололмас эдик. Техника бизнинг ўнг қўлимиз бўлиб қолди.

Дарҳақиқат машина-трактор станцияси бошқа колхозлардаги каби Дзержинский номли колхозга ҳам самарали ёрдам бериб келмоқда. Колхоз далаларида 1-нчи МТСнинг 7 та трактор бригадаси ишламоқда. Шу кунларда 21 «универсал» ғўза қатор ораларини культивация қилмоқда. Кузда пахтанинг ярмидан кўпроғи пахта терши машиналари блан териб олинади. Шудгор, ер текислаш, эгат олиш ишлари ҳам тракторлар блан бажарилмоқда. Колхозда МТСнинг ремонт устахонаси қурилган. У ерда тракторларнинг ишдан чиққан деталлари ремонт қилинади, запас қисмлар тайёрланади.

Алексей Тень бошлиқ 16-нчи, Василий Белоконь бошлиқ 20-нчи ва Ҳошим Абдуназаров бошлиқ 13-нчи комсомол-ёшлар трактор бригадалари колхоз ерларини ишлашда ва ғўза парваришини яхшилашда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу трактор бригадалари культивация ва эгат олиш планларини ҳардоим ошириб бажармоқдалар.

Универсалчи тракторчилар ўртасида мингтекарчилар ҳаракати кундан-кун кучайтирилмоқда. Универсалчилардан Йўлдош Бойзоқов, Поччо Умаров ҳар куни культивация нормаларини 1,5—2 баравар ошириб бажармоқда. Байзоқов ва Умаров бу йил мавсумда 1200 гектардан ғўзани культивация қилиш ҳақида янги мажбурият олиб, бошқа универсалчиларни социалистик мусобақага чақирдилар. Трактор бригадаларида ғўзани ўз вақтида сифатли парвариш қилиш учун меҳнат ғайрати тобора ошмоқда.

Колхозда жамоат чорвачилигини ривожлантириш учун янги тадбирлар белгиланмоқда. Колхознинг чорва ферма энг йирик хўжаликлардан ҳисобланади. Ҳозир колхоз фермаларининг 8403 қўйэчки, 1005 бош қорамол, шундан 267 сигир, 464 от, 57 чўчқа ва бир ярим минг қўй ўрдак, товуқлари бор. Фермаларга тажрибали кишилар бириктилган. Чорва молларини яйловда ва қишда молхоналарда боқиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Молларни соғлом сақлаш ва туёғини кўпайтириш учун қулай шароитлар яратилган.

Ўртоқ Бахтибой Хонкелдиев қўйчилик фермасида мудир бўлиб ишлайди. Фермада 38 чўпон, 2 ҳисобчи ва 2 фельдшер ишлайди. Улар Янтоқ даштларида колхознинг 8 ярим минг қўй-эчкиларини яхши аҳволда сақлаб, боқмоқдалар.

Тажрибали чўпонлар қўзилатиш кампаниясида ва қўйларни боқишда яхши натижаларга эришмоқдалар. Чўпонлардан Қулмурод Жуманов, Ҳаким Муродов ва Эргаш Ирисалиевларнинг ҳарбири 500 — 600 тадан қўй-эчкини семиртириб, яхши ҳолда боқиб келмоқда. Улар қўзилатиш тоширигини 120 процентдан бажарганлар.

Колхозда чорва фермалари учун катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда колхозда қорамоллар учун 1000 мол сиғадиган молхона, 300 от сиғадиган отхона, 200 сигирга мўлжалланган сигирхона ва 3 минг товуқ жойлашадиган товуқхона қурилди. Молларни суғориш ва озиқлантириш ишлари механизациялаштирилган. Колхозда чорва қишловига катта тайёргарлик кўрилди. Ўтган йили 1500 тонна беда, 500 тонна сомон-янтоқ, минг тонна пичан тайёрланди. Бу йил ҳам пичан тайёрлаш ишлари зўр уюшқоқлик блан олиб борилмоқда. Колхоз чорва молларидан катта даромад олмоқда. 1953 йилда чорвадан 1 миллион 300 минг сўм даромад олинди.

Колхозда пичан тайёрлаш бригадалари ва чорвачилик фермаларидан ташқари бошқа ишлабчиқариш хўжаликлари ҳам бор. Колхозда 3 та сабзавот, 1 та боғ-мева, 1 та тут, 3 та ғалла, 1 та белдчилик ва 1 та қурилиш бригадалари бор. Ҳамма бригадалар ҳар йили ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ошириб бажариб келмоқда. Илғор пахтачилик бригадалари 1953 йилда ҳар гектардан 40 центнерга яқин пахта ҳосили етиштирдилар. Колхоз ўтган йили 15 миллион сўмга яқин даромад олди.

Колхоз а'золарининг ўзларининг коллектив хўжаликларини мустаҳкамлаб, фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Колхоз қишлоғида ажойиб янги бинолар, уй-жойлар қад кўтаради. Колхозда ишлабчиқариш учун пиларам, токарлик станоги, электр блан пайвандлаш, ёғоч ишлайдиган цех, темирчилик цехи, 4 сушилка ишга солинган. Буларнинг ҳаммаси электрлаштирилган. Қишлоқда 2 ясли, 2 ҳаммом, 9 магазин, ошхона, туғуриқхона ва касалхона, кинотеатр, клуб, маданият ва истироҳат боғи, чойхона, радиоузел қурилган. Буларнинг ҳаммаси колхозчиларга маданий хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари кутубхона, ўқишхоналар бор ва колхозчилар учун 300 га яқин янги уйлар қурилган.

Колхозчилар ўз колхозларининг

1904 Антон Павлович Чехов 1954

БУЮК УСТОЗ

Эртага бутун мамлакатимиз халқлари ва барча прогрессив инсоният улуғ рус ёзучиси, етук сўз устози ва олижаноб гуманист А. П. Чехов вафотининг 50 йиллигини нишонлайди. Улуғ рус халқининг асл фарзанди, жаҳон маданиятининг йирик арбоби Антон Павлович Чехов Совет Иттифоқи халқларининг фахридир. У қолдирган бой адабий мерос СССРдаги барча халқларнинг маданий бойлиги бўлиб қолди. Коммунистик жамият қуриш учун ҳормай-толмай меҳнат қилаётган республикамиз меҳнаткашлари Чехов асарларини зўр қизиқиб ўқиб, улардан бадиий завқ олмоқдалар. Чехов яратган сатирик типлар орқали ҳаётда учрайдиган ба'зи эскилик қолдиқларига қарши курашмоқдалар. Совет кишилари Чехов асарларида буюк сан'аткорнинг инсонга бўлган зўр муҳаббати, чуқур гуманизми ва оташин ватанпарварлигидан баҳраманд бўлмоқдалар.

А. П. Чеховнинг юксак бадиий маҳорат блан ёзилган юмористик, сатирик ҳикоялари, инсон психологияси зўр маҳорат блан очиб берилган пьесалари катта проблемаларни ёритган. Улуғ ёзучининг пьесалари ўзининг бадиий қимматини ҳамон сақлаб келмоқда.

Чехов ва бошқа рус прозасининг усталари қолдирган бой адабий мерос совет ёзучилари, шу жумладан ўзбек совет прозаиклари учун ҳам бебаҳо ижодий маҳорат мактабидир. Чехов ижодининг ёш ўзбек прозасининг ташкил топиши ва ривожланишидаги роли каттадир. Ўзбек совет ёзучилари Чехов ҳикояларини, драматик асарларини зўр қизиқиш ва э'тибор блан ўрганмоқдалар. Чехов асарларидаги типиклаштириш маҳорати ва композиция сан'ати ўзбек ёзучиларига кўп нарсаларни ўргатмоқда. Айниқса Чеховнинг стили ёзучи сан'атининг порлоқ намунасидир. Пролетар адабиётининг генийси А. М. Горький улуғ рус ёзучиси А. П. Чехов стилини юксак баҳолаб, уни рус адабий тилини яратишда катта хизмат қилган Пушкин, Тургенев блан бир қаторга қўйган эди.

Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин Собирова, Парда Турсун каби ўзбек совет ёзучиларининг ҳикоя ҳамда очеркларидаги ва ижодига рус прозаиклари ва жумладан Антон Павлович Чехов асарларининг самарали та'сиридан далолат беради.

А. Қаҳҳорнинг «Бемор», «Анор», «Ўғри» каби ҳикоялари ёзучининг улуғ рус новеллисти асарларини зўр иштиёқ ва э'тибор блан ўрганганлигини тасдиқлайди.

Чехов ижодидан та'сирланган А. Қаҳҳор эгоизм, иккиюзламачилик, тубанлик каби ўтмишнинг энг ярамас сарқитларини, совет кишиларининг бахтли ҳаёти йўлида тўсқинлик қилаётган ҳамма нарсаларни заҳарханда блан аччиқ сатира остига олади.

Улуғ сан'аткор А. П. Чехов ўз персонажларининг характерини чуқур билар, уларнинг ички дун'ёсини равшан бераолар, кишиларнинг воқиаларга муносабатини усталик блан кўрсатар, қаҳрамонларнинг психологик характеристикасини моҳирона аниқ ва равшан ифодалар эди. Чеховдаги ана шу қимматли томонлардан ижодий фойдаланган А. Қаҳҳор ўз ҳикояларида ҳодиса ва нарсаларнинг моҳиятини, арзимас бўлиб кўринган нарсаларнинг психологик ва социал томонларини очиб беради.

А. Қаҳҳор Чеховдан ўз қаҳрамонларининг характери ичига киришни, ҳар бир образнинг нозик психологик характеристикасини моҳирлик блан чизишни, бадиий юмор блан ғўзал лирикани бирга қўшишни ўрганмоқда. А. Қаҳҳор қисқа, пухта ҳикоялар яратади, қаҳрамонларининг характерларини очиб беришгагина хизмат қиладиган бўёқларни усталик блан топабилади. А. Қаҳҳор Чехов изидан бориб кичик ҳикояларда ҳам катта воқиаларни, муҳим ғояларни акс эттираолади. Масалан, унинг «Ўғри» ҳикояси бор-йўғи беш саҳифача бўлса ҳам, унинг мазмуни катта воқиаларни ўзида ифодалаган. А. Қаҳҳор Ўзбекистонда революциягача бўлган ҳаётни, ўша даврдаги ижтимоий муносабатларни қисқа, содда жумлаларда ёрқин очиб беради. А. Қаҳҳорнинг стили қаҳрамоннинг тилини ифодалабгина қолмай, балки унинг характерини ҳам очиб беради. Қаҳҳор ҳикояларидаги қаҳрамонлар тилига разм солган киши қаҳрамоннинг ўзини кўради.

А. П. Чехов бадиий асардан унда тасвирланган пейзаж китобхон кўзини юмганда ҳам ёрқин тасаввур қилаоладиган даражада аниқ бўлишини талаб қиларди. А. Қаҳҳор улуғ прозаиклнинг бу талабига катта э'тибор бериб, ижод қилмоқда.

Рус классик прозаиклари, шу жумладан Антон Павлович Чехов ижодининг самарали та'сирини ўзбек совет ёзучиси Ойдин Собирова ижодида ҳам кўриш мумкин. Унинг «Ямоқчи кўчди», «Ҳазил» каби ҳикоялари қисқа ҳикоялар жанрининг ажойиб намуналаридир. Ойдин Собирова бирнеча саҳифали қисқагина ҳикоясида ўтмишда эзилган, хўрланган, қул даражасидаги ҳуқуқсиз ўзбек аёлининг Совет даврида ўз бахтини қўлга киритган, тенгҳуқуқли, озод ва социалистик жамият қураолган киши даржасига кўтарилганлигини тасвирлайди.

Чехов асарларининг ижобий та'сири ёш ўзбек ёзучилари ижодида ҳам сезилади.

Совет кишилари ажойиб рус ёзучиси А. П. Чеховнинг бой адабий мероси блан фахрланади. Унинг асарлари ўзбек китобхонлари орасида севилиб ўқилмоқда. Чехов яратган юксак савиядаги ҳикоялар, повестлар ва пьесалар ўзбек тилига таржима қилинган. Чехов асарларининг таржима қилинишининг ўзиёқ ёзучи таржимонларимизга Чехов талантининг энг нозик томонлари блан чуқур танишиш имкониятини беради. Уларнинг бадиий маҳоратини янада такомиллаштиради.

Республикамизда Чехов асарлари Октябрь революциясидан олдин ҳам таржима қилинган эди. Бироқ бу таржималар мукаммал бўлмай, Чехов новеллаларидаги сюжетнигина сақлаб қолган эди. Ҳозир эса юқори сифатли таржималар майдонга келди. Чеховнинг катта-катта тўпламлари бирнеча марта ўзбек тилида босилди. «Хамелеон», «Ниқоб», «Унтер Пришибеев», «Семиз ва ориқ», «Чиновникнинг ўлими» каби жуда кўп ҳикоялари ўзбек китобхонларининг севимли асарларига айланиб қолди.

Чехов асарлари, унинг бадиий мероси ва сан'аткорлик мактаби Ўзбекистон меҳнаткашларининг маданий ҳаётида ва ўзбек совет ёзучилари ижодида катта роль ўйнамоқда.

Ҳаким НАЗИР.

А. П. ЧЕХОВ

А. П. Чехов ҳаёти ва ижодига бағишланган виставка

Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат халқ китобхонасининг ходимлари улуғ рус ёзучиси А. П. Чехов вафотининг 50 йиллигига бағишланган катта виставка тайёрладилар. Виставкадаги «Чеховнинг ёшлиги», «Чехов 80 йилларда», «Чеховнинг 90 йиллардаги ижоди», «Чехов драматургияси», «Жаҳон ёзучилари Чехов ҳақида» ва бошқа бўлимлардаги кўп сонли, хилма-хил материаллар улуғ сўз устасининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ҳикоя қилади.

Виставка стендига қўйилган 80 йилларда чиққан «Стрекоза», «Осколки» каби сатирик журналларнинг нусхалари, 1887 йилда А. Чехонте таҳаллуси блан босилган «Беозор гаплар» очерк ва ҳикоялар тўплами, «Чиновникнинг ўлими», «Хамелеон», «Унтер Пришибеев», «Ниқоб» каби ҳикояларга А. Лебедев, А. Суворов, Кукрениксилар ва бошқа рассомлар томонидан ишланган иллюстрациялар А. П. Чехов ижодиётининг бойлигини ва унинг асарларидаги чуқур социал мотивларни очиб беради.

Виставкага қўйилган расм, фотоҳужжат, эсдалик ва бошқа материаллар Чеховнинг ўз замонасида прогрессив кишилар блан яқиндан ижодий муносабатда бўлганлигини кўрсатади. Айниқса, А. П. Чеховнинг Л. Н. Толстой блан, А. М. Горький блан ҳамда О. Л. Книппер блан бирга тушган расмлари тамошабиларда катта таассурот қолдиради.

Виставкага Чеховнинг улуғ рус рассоми Левитан, композиторлари Чайковский, Рахманинов, йирик рус артистлари блан мустаҳкам алоқада бўлганлигини кўрсатучи ёзишмалар, эсдаликлар, учрашув хотиралари каби материаллар ҳам қўйилган.

«Чехов драматургияси» бўлимида буюк ёзучининг МХАТ артистлари, режиссёрлари ўртасидаги ижодий ҳамкорлиги кенг ёритилган.

Чехов ижодининг аҳамиятини акс эттируччи бўлимда машҳур инглиз ёзучилари Джон Голсуорси, Бернард Шоу, улуғ рус ёзучилари Л. Толстой, М. Горький, А. Толстой, Совет давлати ва Коммунистик партия арбобларидан В. И. Ленин ва И. В. Сталин, М. И. Калинин, Н. Крупскаянинг А. П. Чехов ҳақидаги фикрлари алоҳида ёзиб қўйилган. Виставкада А. П. Чеховнинг ўзбек тилига таржима қилинган асарларига алоҳида бўлим ажратилган.

Пойтахт кутубхоналарида

Улуғ рус ёзучиси А. П. Чеховнинг вафотига 50 йил тўлиши нишонланаётган шу кунларда пойтахтимиз кутубхоналари буюк новеллист ва драматургнинг асарларини кенгроқ пропаганда қилишга алоҳида э'тибор бермоқдалар.

Тошкент меҳнаткашлари кутубхоналарда ташкил этилган А. П. Чехов ҳаёти ва ижодини ҳикоя қилучи виставкаларни, унинг китобларидан уюштирилган витриналарни зўр қизиқиш блан тамоша қилмоқдалар.

Чеховнинг Тошкент область кутубхонасида очилган виставкага қўйилган 100 га яқин китоб, брошюралари улуғ ёзучининг ижоди ва ҳаёти ҳақида тўлиқ таассурот беради.

Сталин районидаги кутубхонада «Чехов — улуғ рус ёзучиси» деган темада китобхонлар конференцияси ўтказилди.

Октябрь районидаги болалар кутубхонасида бўлиб ўтган адабий конференцияда кутубхона а'золаридан Г. Попов «А. П. Чехов биографияси ва ижоди», Л. Петрова «Чехов — улуғ рус ёзучиси», Т. Аҳмедова «Чеховнинг сатирик асарлари» темаларида қизиқарли докладлар қилдилар.

Шаҳардаги бошқа кутубхоналарда ҳам А. П. Чехов хотирасига бағишланган виставкалар ташкил этилиб, китобхонлар конференциялари ўтказилмоқда.

Ю. ШОМАНСУРОВ,
А. АҲМЕДОВ,
А. МАҚСУМОВ.

Чехов асарлари ўзбек тилида

Республикамиз меҳнаткашлари улуғ рус ёзучиси, рус танқидий реализмининг йирик вакили А. П. Чехов асарларини узоқ йиллардан бери севиб ўқимоқдалар.

1929 йилда А. П. Чеховнинг «Ванька» ҳикояси босилиб чиқди. Кейинчалик бу асар қайта-қайта нашр этилди. Улуғ рус новеллисти Чеховнинг «Каштанка» «Унтер Пришибеев», «Катта Володя блан кичик Володя», «Ғилоф бандаси», «Чиновникнинг ўлими», «Сойликда», «Мужиклар» ва бошқа асарлари бирнеча марта ўзбек тилида босилди.

Ўзбекистон ССР Давлат китоб палатасининг берган ма'лумотига қараганда, Совет ҳокимияти йилларида А. П. Чехов асарлари ўзбек тилида жа'ми 41 марта 660 минг нусха босилган.

А. П. ЧЕХОВ

ХАМЕЛЕОН

ҲИКОЯ

Устига янги шинель кийган ва тутунчак ушлаган полиция назоратчиси Очумелов бозор ўртасидан юриб келмоқда. Унинг орқасидан афти-ангори сап-сариқ городовой қадам ташлаб келаётир, қўлида мусодара қилинган крижовник тўлдирилган элак. Теварак жимжит... Бозор саҳнида ҳеч ким йўқ... Дўкон ва қовоқхоналарнинг очиқ эшиклари, оч оғизлар каби, хоҳисор ва хафагезак бўлиб кўриниб турар эди: уларнинг олдида ҳатто гадойлар ҳам йўқ.

Очумеловнинг қулоғига бирдан:

— Сен ҳали одамни тишлайсанми, мал'ун! Биродарлар, уни қочириб юборманглар! Ҳозирда бировни тишлашга рухсат йўқ! Ушла! А... э!.. — деган товуш ва кучукнинг вангиллаши эшитилди. Очумелов атрофига қараб кўрдики, савдогар Пичугиннинг ўтинхонасидан уч оёқлаб, орқа-ўнгига қараб, бир кучук чопиб чиқди. Кучукни чит кўйлак кийган ва желаткасининг тугмалари ечилган бир киши қувлаб келмоқда эди. У кучукнинг кетидан чопмоқда. Олға интилиб ўзини ерга ташлади ва кучукнинг кейинги оёқларидан ушлаб олди. Иккинчи марта кучукнинг вангиллаши ва «қочириб юборманг» деган овоз эшитилди. Дўкончилардан эндигина уйқудан турган кишилар чиқдилар ва ўтинхонанинг олдига, худди ер тагидан чиққандек ҳалойиқ йиғилди.

— Муҳтарам афандим, бу тартибсизлик... — деди городовой.

Очумелов сўл томонга қайрилиб, одамлар йиғилган жойга қараб юрди. У кўрдики, ўтинхона дарвозасининг олдида, юқорида тасвир қилинган, тугмалари ечилган киши ўнг қўлини юқорига кўтариб, қонга бўялган бармоғини одамларга кўрсатиб турибди... Очумелов бу кишини таниди: У заргар Хрюкин эди. Одамларнинг ўртасида олдинги оёқларини ерга босиб ва а'зойи-бадани титраб, тўполоннинг сабабчиси — чўққи тумшуқ ва сариғ бўйинли оқ кучук турибди. Унинг ёшланиб турган кўзларида ғамгинлик ва қўрқинч аломати кўринмоқда эди.

Очумелов одамлар орасига кирди ва:

— Сизлар нимага бу ерга йиғилдингиз? Нимага? Сен нимага қўлингни кўрсатасан?.. Ким қичқирди? — деб сўради.

Хрюкин муштумини оғзига қилиб, йўталиб қўйиб сўз бошлади:

— Мен, муҳтарам афандим, ҳечкимга тегмасдан келаётган эдим... Митрий Митрич блан ўтин тўғрисида гаплашмоқчи эдим, бир вақт қарасам, мана бу мал'ун тўсатдан бармоғимга ёпишди... Сиз мени кечиринг, мен иш қиладиган одам... Менинг ишим майда иш, менга товон тўласинлар, чунки ким билади, балки мен бу бармоғимни бир ҳафтагача қимирлаталмасман. Муҳтарам афандим, законда жониворларнинг зулмига сабр қилдирил, деган эмас... Агар ҳарнарса тишлайверса, у вақтда дун'ёда турмаслик яхшироқ...

— Иҳим... яхши.... — деди Очумелов жиддият блан йўталиб ва қошларини қимирлатиб, — яхши... Кимнинг кучуги? Мен бунн шундай қўймайман! Мен сизларга кучукларни бўш қўйиб юборишнинг нима эканини ўргатиб қўяман! Қаророларга бўйсунишни хоҳламаган шундай афандиларга аҳамият бериш вақти келди. Агар мен у ифлосга штраф солсам, у вақтда кучук ва бошқа тентираб юрадиган ҳайвонларнинг нима эканлигига тушуниб, мулла бўлиб қолади! Мен у ҳаромининг жазосини бериб қўяман! Елдирин, — деди назоратчи городовойга қараб, — сен бу кучукнинг эгасини топиб, протокол ёз. Кучукни ўлдириш керак. Тездан! Қутурган кучукка ўхшайди... Айтингиз, бу кимнинг кучуги!

— Генерал Жигаловникн шекилли, — деб одамларнинг бири жавоб берди.

— Генерал Жигаловники? Иҳим... Елдирин, қани менинг пальтомни ешиб ол: жуда ҳам кун исиб кетди! Емгир ёғса керак!.. Лекин мен бир нарсага тушунолмадим, у сени қандай қилиб тишлаб олди! — деб Очумелов Хрюкинга мурожаат қилди. — Кучук одамнинг бармоғига қандай қилиб етади? У кичкина, сен бўлсанг қандай катта одамсана! Сен балки бармоғингни мих блан тешгандирсан, ундан кейин кучукни баҳона қилиш фикри бошингга келгандир. Сенинг ким эканинг ҳаммага ма'лум. Мен сиз ла'натиларни биламан.

— Бу, муҳтарам афандим, кулги бўлсин учун, ёниб турган папироси блан кучукнинг тумшуғига бир туширди, кучук ҳам ахмоқ эмас, ғирч этиб тишлаб олди... Бу киши ажойиб одам экан, муҳтарам афандим.

— Ёлғон айтасан, қийшиқ! Кўрмаганингдан кейин нимага ёлғон айтасан? Афандим, жаноблари жуда ақллидирлар, кимнинг ёлғон гапиргани, кимнинг, худо олдида тургандек, рост айтганини — ҳаммасини биладилар... Агар мен ёлғон гапирган бўлсам, суд ҳукм қилсин. Унинг законида ҳаммаси айтилган... Ҳозир ҳамма баравар... Менинг биродарим жандармада ишлайди... Агар билгингиз келса...

— Кўп чўзаверма!

— Йўқ, бу генералнинг кучуги эмас. Генералда бундай итлар йўқ. Уникида овчи итлар кўпроқ, — деб городовой чуқур ўйлаб, сўзлаб қўйди.

— Сен буни аниқ биласанми?

— Аниқ афандим...

— Мен ўзим ҳам биламан. Генералнинг итлари баҳоли, зотли. Шу ҳам итми? На юнги бор ва на башара... Фақат бир ифлос нарса... Шундай ит ҳам боқиладими?! Сизда ўзи ақл борми? Бундай итни Петербург ёки Москвага оборib кўрчи, нима бўлар эди? У ерда законга, қараб ўтирмасдан, ўлдириб қўяқолар эдилар. Сен Хрюкин, қанча азоб кўрибсан, сен бу ишни қўйиб кетаверма!.. Уларнинг адабини бериш керак! Вақт келди...

— Эҳтимол генералникидир... — деб городовой овозини чиқариб қўйди. — Унинг тумшуғига ёзиб қўйилмаганку... Бир кун генералнинг ҳовлисида шундай итни кўрган эдим.

— Албатта, генералники бўлса керак, — деб халқ орасидан овоз чиқди.

— Иҳим... Елдирин, биродар, пальтони устимга кийгизиб қўйчи... Шамол текканидек бўлди... Баданим ўюшиб кетди... Сен итни генералнинг олдига олиб сўра. Итни мен топиб юборганлигимни айтгин... Уни кўчага чиқармасинлар. Сен шуни айт. Балки у қиммат баҳодир, агарда ҳарбир тўнгиз унинг тумшуғига пашрос блан ураверса, ит тезда ёмон бўлиб қолади. Кучук деган нарса нозик мол бўлади... Сенга айтаман, ахмоқ, қўлингни тушир! Ахмоқлик қилиб, бармоғингни кўрсатиб туришга ҳеч ҳожат йўқ! Ўзинг айблисан!..

— Генералнинг ошпази келяпти, ўшандан сўрайлик... Ҳай, Прохор, азизим, қани, буёққа кел! Итни кўрчи... Сизларникими?

— Шу ҳам гап бўлдими?! Бундай итни биз кўрганимиз йўқ!

— Бу ерда сўраб ўтиришнинг ҳожати йўқ, — деди Очумелов. — Бу ўзи саёқ ит! Бу ерда гапни чўзиб ўтириш нима керак? Гап тамом-вассалом.

— Бу бизники эмас, — деди ошпаз, — бу генералнинг яқинда келган укасинки. Бизда бунақа итларга хуштор одам йўқ. У кишининг укалари бунақа итни яхши кўради...

— У кишининг биродарлари келдиларми? Владимир Иванович-а? — деб Очумелов сўради ва унинг юзида табассум ва мулойимлик кўринди. — Мен билганим йўқ эди, меҳмон бўлиб келдилар дегин?

— Меҳмон бўлиб келдилар.

— Уни қаранг, ё худо... Оғойнигарчилик-да акасини соғиниб қолибдида... Мен билганим йўқ эди. Бу ўша кишининг итлари дегин? жуда хурсандман... Ол уни... Ити тушкур, ёмон эмас... Зийраккина... Ол, мана бунинг бармоғини тишда, ха-ха-ха... Нега титрайсан? Ол, киш-киш... Кўрдингми, жаҳли чиқдида...

Ошпаз Прохор итни чақириб опкетади... Тўпланиб турган одамлар Хрюкинни масхара қилиб, қаҳ-қаҳа урадилар.

— Шошмайтур, мен сенга кўрсатиб қўяман! — деб Очумелов Хрюкинга дўқ қилади ва шинелини ёпиниб, бозор ичига қараб кириб кетади.

А. ҚАҲҲОР таржимаси.

Улуғ рус ёзучиси

(А. П. Чехов вафотига 50 йил тўлиши муносабати блан)

Улуғ рус ёзучиси Антон Павлович Чеховнинг вафот этганидан бери 50 йил ўтди. Ажойиб сўз сан'аткори катта адабий мерос қолдирди. Унинг асарлари ҳозирги вақтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Чеховнинг онгли ва қувноқ ҳаёт ҳақидаги орзулари, унинг киши фаолиятининг равшан ва виждонли бўлиши ҳақидаги ғоялари бизнинг совет давримизда ўзининг тўла ифодасини топди.

А. П. Чехов ўтган асрнинг 60-нчи йилларида яшаган ёзучиларнинг ва Пушкин, Гоголь, Лев Толстой каби қудратли халқ ёзучилари ижодидаги прогрессив традицияларнинг муносиб вориси ва давомчиси бўлди. Чехов улардан ёзучининг шарафли меҳнатини қадрлашни ўрганди ва демократик гуманизм ғояларини янада ривожлантирди. Чехов мешчанликнинг муросасиз душмани эди, у буржуя жамиятидаги иллатларни шафқатсизлик блан танқид қилди.

Ёзучи ўзининг «Антоша Чехонте» тахаллуси остида босилиб чиққан дастлабки ҳикояларидаёқ ўткир сатирик сўз блан чор Россияси полиция-чиновниклик тузумининг ўзбошимчалигини, обивательлар ҳаётининг ҳушомадгўйлик ва беорликдан, пасткашлик ва лаганбардорликдан, мешчанларча чекланиш ва разилликдан иборат эканлигини фош қилиб ташлади.

Етук сан'аткор А. П. Чехов яратган, ҳикоя, повесть ва пьесалар рус демократик сан'атининг ривожланишида муҳим бир босқич бўлди. Бу асарларда рус халқининг ўсиб келаётган озодлик ҳаракати давридаги умид-орзулари акс этган.

Л. Толстой, В. Короленко ва А. Чехов ижодидаги танқидий реализм кенг омма ўртасида эксплуататорлик тузуми асосларига қарши норозилик руҳининг ҳаётийлигини ёрдам берди. А. М. Горький Чехов ижодига баҳо бериб, сан'аткор ўз ҳикоялари блан катта вазифани бажарди. «...Шайтон олгур уйқудаги, ярим ўлик турмушга нисбатан кишиларда нафрат уйготди», деган эди.

Чеховнинг ҳикоялари ва повестьлари — ёзучи ўлимидан кейин содир бўлган ҳал қилучи революцион воқиалар арафасида Россия меҳнаткаш халқининг зиммасига тушган оғир қисмат ҳақидаги катта, ҳаётий ҳақиқиятлар блан тўлган китобдир. Шаҳарда яшовчи оддий кишилар ёруғлик кўрмас эдилар. Болалар ҳам, катталар ҳам муҳтожлик ва ҳуқуқсизликда яшар эдилар. Бунда этикдўзда малай бўлиб ишлаган ва ўзининг оғир турмуши ҳақида «Қишлоққа бобом Константин Макаричга» деб хат ёзган ғариб ва ҳаддан ташқари қийналиб кетган бола Ванька Жуков ҳам бор. Бунда хўрлик ва жафо остида қийналган ва уйқи истагида жиноятгача борib етган қиз Варькани ҳам кўрамиз. Бунда ўзининг жуда катта қайғусини кимга айтишни билмай, молхонада ўз оти олдида ҳасрат қилган извошчининг қиёфасини ҳам кўрамиз. «Тажрибадаги воқиадан» ҳикоясида фабрика ишчиларининг мусибатли турмушлари тасвирланди. Улар ўзларининг бутун кучларини бир ҳовуч иш'ёмас ва ҳаромхўрларнинг ҳеч-қандай ками-кўстсиз, фақат ўз шахсиятларини кўзлаб бе'мани турмуш кечиришлари учун сарфлайдилар.

Рус деҳқонларининг ҳаёти ҳам Чехов асарларида жуда ҳаққоний тасвирланган. «Найлар» каби ҳикояларда ватаннинг табиий бойликларига нисбатан вахшийларча муносабатда бўлинганлиги ҳақида, қулоқлар, рус буржуазияси ва дворянларга томонидан бу бойликларнинг шафқатсизлик блан таланганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. «Мужиклар», «Хотинлар», «Сойликда», «Саҳро» «Болохонали уй» ва бошқа асарларда А. П. Чехов деҳқонларнинг помешчиклар ва капиталистлар зулми остида кечираётган оғир, қайғули ҳаётини тасвирлайди. «Крепостнойлик ҳуқуқи йўқ, — дейди «Менинг ҳаётим» ҳикоясида, — шунга қарамай капитализм ўсмоқда. Ва... Ботий даврида бўлганидек, кўпчилик ўзи оч, ялангоч ва ҳимоясиз қолгани ҳолда, озчиликни тўйгизмоқда, кийинтирмоқда ва ҳимоя қилмоқда».

Чехов ўзининг ҳаққоний асарлари блан революциягача бўлган Россияда кишининг киши томонидан шафқатсиз эксплуатация қилинишини очиб ташлабгина қолмасдан, балки буржуя жамиятининг ҳукмрон кучларини айблаш ҳам, Революцион шоир А. Плешчеевга 1888 йилда ёзган хатида Чехов бундай деган эди: «Сиз менга, сизнинг ҳикояларингизда ис'ёнкорлик элементи йўқ, уларда симпатия ва антипатиялар йўқ деган эдингиз... Наҳотки ҳикоянинг бошидан то охиригача мен ёлғонга қарши ис'ён кўтармаган бўлсам? Ахир бу йўналиш эмасми?»

Сан'аткор прогресс учун қандай нарсалар бўлмаслигини, нималарга қарши кураш кераклигини моҳирлик блан очиб беради:

«Сиз бу ҳаётга бир назар ташланг: зўравонларнинг очқўзлиги ва дабдабали турмуши, кучсизларнинг жоҳиллиги ва ҳайвонлардек турмуш кечириши, атрофингизни чидаб бўлмайдиган камбағаллик, хорлик, айнишлик, мастлик, иккиюзламачилик, ёлғончилик ўраб олган...» («Крижовник»).

Чехов «Ғилоф бандаси» ҳикоясида ҳикоя персонажларидан бирининг тилидан чор Россиясидаги сиёсий тузумга бўлган ўз муносабатини аниқ айтган эди: «...Ўзингнинг номусли ва эркин одамлар томонида бўлганлигингни очиқ айтишга бо. тинаолмаслигинг, ўзинг ҳам ёлғон гапириб, ёлғондан қулиб туришнинг ва бутун бу ҳолларнинг бир бурда нон, иссиқ-қина бир жой ва бир чақага арзимайдиган аллақандай бир амал учун бўлиши, — чидаб бўлмайдиган ҳол: йўқ, бундан сўнг бу хил яшайбериш мумкин эмас!»

«Нома'лум киши ҳикояси»нинг қаҳрамони бошқача ҳаётни орзу қилади: «Қани энди, қандай му'жиза блан ҳозирги ҳаёт уйқу, қўрқинчли туш бўлиб қолсаю, бир янги, соф, кучли. ўз ҳақиқатимиз блан фахрланадиган кишилар бўлиб уйғонсак. ...Мен жуда ҳам яшашни истайман, турмуш осмон гумбази сингари мукаддас, юксак ва тантанали бўлишини истайман. Яшаймиз!»

Янги ҳаётга истак, эски дун'ёдан воз кечишга бўлган бу интилиш, ўша даврдаги прогрессив табақаларга жуда катта та'сир кўрсатди.

«Қадрдон бурчакда» ҳикоясида кишилар онгли, фойдали меҳнат ҳақида орзу қиладилар ва кишининг бутун куч ва ғайрати ана шу нарсага сарфланиши ҳақида ўйлайдилар. «Қани энди бутун ҳаётингни шундай нарсага сарф қилсангки, бунинг натижасида ўзинг ажойиб киши бўлиб қолсанг, ажойиб кишиларга ёқсанг, севсанг ва ўзингнинг ҳақиқий онланга эга бўлсанг...».

Чеховнинг бу идеялари совет тузуми галаба қозонгандан кейингина амалга оширилди ва кишиларимизнинг ҳаётига сингиб кетди.

А. П. Чехов ўзининг «Палата № 6» ҳикоясида сатирик йўл блан фош қилиш; да жуда катта маҳоратга эга эканлигини кўрсатди. Бу ҳикоя бутун самодержавие Россиясининг тюрьма режимини типик тарзда тасвирлаб беради.

Ёзучи «Крижовник» ҳикоясида Иван Иванович тилидан итоаткор обивательларнинг «Тинч ва осойишталик блан» очиқдан-очиқ нафрат билдираётганликларини ифода этади. «Ҳамма нарса, тинч, осойишта, фақат тилсиз статистикагина норозилик билдиради: мунча одам ақлдан озган, мунча чалак арақ ичилган, мунча бола тўйиб овқат емаслик натижасида ўлган... Шундай тартиб, зарур бўлса керак; ма'лумки, бахтли одам бахтсизларнинг ўз кулфатларини қидамасдан кўтариб кетаётганликларини билгани учун ўзини яхши сезади, агар бу индамаслик бўлмаганда эди, бахтнинг бўлиши мумкин эмас эди. Бу умумий гипноздир». Ҳикоя қилучи Чеховнинг турмушни фош қилишига мос ҳолда, қат'ий тарзда сўрайди: «...Нима учун кутиш керак? Яшагани дармон қолмаган вақтда кутиш нимаси! Ҳолбуки, яшаш керак ва яшашни ҳоҳлайди киши!»

Горькийнинг айтишича, Чехов талаб-тининг жуда катта кучи шундан иборатки, у, ўзининг ёрқин генийси блан рус воқи'лигининг реал ҳодисаларини ҳаққоний тасвирлаб берган эди. Шу нуқтаий назардан қараганда, Чехов «турмушни ўзича тасаввур этар ва, шундай қилиб, ундан юқори турар эди» деб ёзган эди Горький, чунки у «турмушнинг зиддиятларини, бема'ни томонларини, турмуш оқимини ва ундаги бутун тартибсизликни энг олий нуқтаи назардан ёритади».

Горькийнинг А. П. Чеховга берган бу баҳоси ва шу жиҳатдан диққатга сазоворки, Горький ўзидан ёш жиҳатдан катта замондошидан ва ажойиб сўз устасидан унинг ижодидаги чақириқни, оптимистик руҳни, я'ни «тетиклик ва ҳаётга муҳаббат руҳини» ўз вақтида ҳаммадан яхшироқ сезди. «Мужиклар» повестидаги қуйидаги ма'нодор сўзларни эсламаслик мумкин эмас: «Нақадар ажойиб тонг! Агар муҳтожлик, ҳеч қаерга қочиб қутилолмайдиган даҳшатли, иложсиз муҳтожлик бўлмаса эди, турмуш нақадар ғўзал бўлар эди!»

Чехов асарларининг барҳаёт та'сирчан кучи шундаки, бу асарларда ватанни социал қайта қуриш йўлидаги барча тўсиқларни йўқ қилиш орқали энг яхши келажакка эришишга бўлган сан'аткорнинг фикри ҳаётий ҳақиқатни акс эттириш блан кўпиб олиб борилгандир. Бизнинг социалистик реализм методига асосланучи совет адабиётимиз ана шу ҳаётий ҳаққоний кучи учун, поэтик бўёқларнинг олийжаноб ватанпарварлик ғоялари блан сўғорилган ва чуқур миллий манба'ларга эга эканлиги учун Чеховдан миннатдордир.

Чехов яратган образларнинг ғоят катта социал-сиёсий кучи биз учун жуда қимматлидир. Бу образлардан В. И. Ленин ва И. В. Сталин ишчилар синфи душманларини характерлаш учун ўз асарларида кўп марта фойдаланганлар. Ма'лумки, ёш Горький оқуровчиларнинг мешчанларча ваҳшиёна разолатига қарши курашганда, эски Россиянинг паразит синфларига қарши революцион курашда Чеховнинг танқидий реализмидан фойдаланди.

А. П. Чехов ўзининг драматик ижоди блан рус театр сан'атининг ривожланишида янги саҳифа очди. Унинг «Чайка», «Уч опа-сингил», «Очилмаган» пьесалари мамлакатимиздаги кўпгина театрларнинг репертуарларига кирди ва совет кишиларининг севимли асарларига айланиб қолди. Бу пьесаларда улуғ ёзучи ёрқин бадиий образлар яратди, дворянларнинг ўлиб бораётганини кўрсатди, турли капиталистик корчалонларнинг қиёфасини очиб ташлади, шунингдек, янги, демократик кучларнинг уйғонаётганини тасвирлади. Унинг пьесалари Бадиий театр репертуарини асосий асарларидан бўлиб қолди.

Чехов шахсан революцион ташкилотлар блан алоқа боғламаган бўлса ҳам, унинг қат'ий норозилик мотивлари блан тўлиб-тошган ижоди катта прогрессив аҳамиятга эга бўлди.

Унинг «Уч опа-сингил» пьесасидаги қаҳрамонлардан бири бундай дейди: «Шундай вақт келдики, энди ҳаммамизнинг зиммамизга жуда катта вазифалар юклатилмоқда, соғлом, кучли бўрон тайёрланмоқда. Бу бўрон яқинлашиб келмоқда, бу бўрон ҳозироқ яқинлашиб қолди ва у тез вақт ичида жамиятимиздаги танбалликни, бепарволикни, меҳнатга бўй бермасликни, ноўрин хунобликни супуриб ташлайди. Мен ишлайман, қандайдир 25—30 йилдан кейин эса ҳарбир киши ишлайдиган бўлади. Ҳарбир киши!».

«Олчазор» пьесасида бутун Россияни олчазор боққа айлантириш, озод киши меҳнати блан ўзгартириш, гўзал мамлакатга айлантириш тўғрисидаги ғоя ёрқин ва кўтаринки руҳ блан янграйди.

Ёзучи ўз ма'навий кучи, ма'навий ғўзаллиги, рус халқи турмушининг даҳшатли воқиаларини дадиллик блан тушуниб, зулмнинг социал сабабларини кўрқмасдан таниқ қилгани, истиқболга қараш фазилатларига эга бўлгани учун Чехов образи биз учун қийматли ва яқин образдир.

Шу блан бирга, А. П. Чехов рус адабиётига ажойиб сан'аткор, стилист, ўткир сюжетларга эга бўлган кичик ҳикояларнинг устаси сифатида, рус адабий тилининг софлиги учун жуда катта қураш олиб борган сан'аткор сифатида ма'лумдир. Совет ёзучиларининг Чеховдан сўз маҳоратини ўрганишлари бежиз эмас.

Ватанимиз халқлари, бутун прогрессив инсоният А. П. Чехов хотирасини ҳурмат блан эсга олмоқда. Унинг асарлари бизнинг кўпмиллатли адабиётимиз хазинасига қўшилади ва жаҳондаги энг машҳур ёзучиларнинг асарлари блан бир қатордан жой олади.

В. СИДОРИН.